

63-3

А62



# АМИР ТЕМУР АЖДОДЛАРИ



183 - 9/IX 04

100 - 23/IX-04

850 - 26/XI-04

559 - 11/XII-04

73-30/XII-04

41 - 7/III-05

50 - 14/IV-05


63.3  
A-62

# АМИР ТЕМУР АЖДОДЛАРИ

(Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридан  
терма-таржима)

Форс тилидан таржима, кириш сўз ва · изохлар муваллифи  
**ОМОНУЛЛА БҮРИЕВ**

**Масъул мұхаррир:  
АСОМИДДИН ҮРИНБОЕВ  
тариҳ фанлари доктори**



## Комуслар Бош таҳририяти Тошкент

Таҳририят мудири М. АМИНОВ  
Муҳаррир А. АБДУРАХИМОВ

Бадиний муҳаррир Ҳ. МЕҲМОНОВ  
Техник муҳаррир Д. МАҚСУДОВА



РН

0403000000

А \_\_\_\_\_ 92  
358—92

(С) Комуслар Бош таҳририяти, 1992.

Теришга берилди 1992.05.10. Босишига руҳсат этилди 1992.11.12. Қоғоз бичими  
60×90<sup>1/16</sup>. Нашриёт-хисоб табориги 2,2. Тиражи 100 000. Буюртма № 7350. Баҳоси  
шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат комитети Тошкент матбаса комбинатининг  
ижарарадаги корхонасида терилиб Тошкент картография фабрикасида босилди.

Комуслар Бош таҳририяти, ГСП, Жуковский кўча, 52-йй.

## КИРИШ

Амир Темур кўрагон, ўз даври тарихчилари қаламида, ҳазрат Сохибқирон, Ўрта Осиёда мўгулларнинг кариб 150 йиллик ҳукмронлигини тугатиб буюк лавлат тузган, оламга донги кетган ва зафарлари тарих зарваракларида битилган жаҳонгир сulton.

Амир Темурнинг харбий юришлари тарихига багишланган асарларнинг дастлабкилари хали Сохибқирон тириклигигида ёзилган бўлиб, бу анъана кейинчалик, унинг ўғли Шоҳруҳ салтанати даврида ҳам давом этди. Тарихчилар Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома», Ҳофизи Абронинг «Зубдат ат-таворих», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фасиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий», Абдураззок Самарқандийнинг «Матла ас-саъдайн», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойи ал-мақдур» каби асарлари уша даврининг кимматли ёзма манбалари хисобланади. Бу тарихий асарлар мазмун жиҳатдан битта мавзу — Темур ва темурийлар тарихини уз ичига олади, баъзи ҳолларда бир-бирини тузатади ва тўлдиради ҳам.

Шарафуддин Али Яздий Эроннинг Язд шахри яқинидаги Тафт кишлогига дунёга келди ва илм-фан муҳлислари назаридаги кенг савияли олим сифатида танилди. У тарихнависликдан ташқари яна фалсафа, фалакиёт, адабиёт ва тасаввуфга оид асарлар ҳам ёзган. Бирор тарихда, асосан, «Зафарнома» асари билан машҳур бўлиб қолди.

«Зафарнома»нинг ёзилиш тарихи Шоҳруҳнинг ўғли, Форс ўлкасининг ҳукмдори Иброҳим Султон (вафоти 1435 й.) номи билан боғлик. Шаҳзода бобоси Амир Темур ҳакида бир мукаммал ва ҳакконий тарих битиб қолдирмоқка аҳд киласи. У дастлаб, ўз даврида Темурга багишлаб ёзилган барча асарларни жамлашига киришади, тўғрилиги ҳакида гумонсираган маълумотларни мушоҳидлар воситасида синчилаб текширитиради ва ҳ. к. Ниҳоят маълумотлар тупланиб таҳрирдан утгач, Али Яздийга уларга бадиий жиҳатдан шакл бериб, форс тилида тўла бир китоб килиш топширилган ва бу ишга 822/1419 йили киришилганлиги унинг «Муқаддима» кисмида кайд этилган (в. 76). Шу билан бирга, тарихчи Абдураззок Самарқандий «Зафарнома» 828/1424 - 25 йили ёзиб тугалланди, деб ёзади. Демак, китоб олти йил давомида ёзилган булади. Асар аниқ маълумотларга бойлиги ва юксак бадиий

маҳорат билан ёзилганлиги сабабли, уз даврида ҳам, кейинчалик ҳам доим назар-эътиборда булиб келди.

Мақсадимиз, Амир Темурнинг аждодлари ҳақида ёзиш бўлганлиги учун биз «Зафарнома» даги ана шундай хабарларга тұхтаб ўтмокчимиз.

Иброҳим Султон «Зафарнома»ни ёзишга фармон берганида Соҳибқироннинг жанг-жадалларини ўқиган киши табиийки, унинг насл-насаби билан ҳам кизикади, деган холосага келган булиши керак. Зоро, «Зафарнома»га ёзилган каттагина кириш кисм — «Муқаддима» бунга исботдир. Унда Али Яздий шаҳзода Иброҳим Султон ушбу тарихда Амир Темур насаби то Одам-Атогача етказилишини талаб қилганлигини тъькидлаб утади. Шу сабабдан, «Муқаддима»да максад бир мунча кенгрок қўйилган булиб, анча узоқ тарихий давр камраб олиган. Али Яздий ушбу кириш кисмда Амир Темур турк султонлари оиласидан ва улуғ ҳоконлар хонадонидан эканлигини хисобга олиб, у сўз баёнини туркий султонлар шажарасига қаратганини ҳам эслатиб утган. Шу муносабат билан Чингизхоннинг сиёсий майдонга келиши, Ўрта Осиёни забт этиши, Чигатой улуси ҳукмдорлари ҳам тавсифлаб ўтилган.

Хозирги вактда илм-фанда Амир Темур аждодлари ҳақида ёзилган ишлар киска эслатмалар ва илмий мақолалардан иборат. Улар орасида А. З. В. Тўғон, Ж. Е. Вудс ва А. А. Семёнов мақолаларини кўрсатиш мумкин.

Маълумки, Амир Темур аждодлари шажарасига оид маълумотлар қандайдир манбаларга таянган холда ёзилгандир. Ушбу мавзуға оид манбаларнинг бир хили туркий-мўғул ёзма маълумотларидан иборат бўлса, бошқа бир кисмини араб алифбосида ёзилган асарлар ташкил киласди.

Туркий-мўғул манбалар жумласига «Муғулларнинг яширин тарихи» (625—626/1228 йили ёзилган) номли асарни, шунингдек туркий султонлар шажараси ҳақида сўз борадиган турли манбаларни киритиш мумкин.

Мусулмон манбаларидан дастлабкиси машҳур олим Рашид ад-Дин Фазлуллоҳ ибн Имод ад-Давла Абулхайр Ҳамадонийнинг (645/1247—48—718/1318 йиллар) «Жомиъ ат-таворих» (700/1300—710/1310 йилларда ёзилган) номли асариdir. Тўрт катта кисмдан иборат бу қимматли манбанинг уч кисми умумий тарих ва охириг тўртинчи кисми («Сувар ал-аколим») географияга оид бўлган. Ҳалқлар тарихи мавзуи бу асарнинг иккинчи, айниқса, «Шуоби панжгоно» деб аталувчи учинчи кисмидан урин олган; туркий подшоҳлар шажараси ҳам ана шу учинчи кисмда берилган. «Жомиъ ат-таворих» кейинги даврларда ёзилган бир қанча тарихий, айниқса туркий султонлар шажарасига бағишлаб ёзилган асарлар учун бош манба вазифасини утади.

15- асрда туркий султонлар шажарасига Амир Темур аждодлари ҳам илова килинган асарлардан бири «Муизз ал-ансоб» дир. Унинг муаллифи Темурийлар саройи тарихчилариридан бири бўлса керак, деб тахмин килинади. «Муизз ал-ансоб»да Рашид ад-Диннинг «Жомиъ ат-таворих» асаридаги туркий султонлар ҳақида ёзилганларга Амир Темур аждодлари ва темурийлар хонадони тўгрисида маълумотлар күшимча килинган.

Амир Темур аждодлари ҳақида маълумот берувчи яна бир манба, бу Ҳофизи Абронинг «Зубдат ат-таворих» асари. Ҳиротлик тарихчи Шахобиддин Абдулоҳ ибн Лутфулоҳ ибн Абдурашид (лақаби Ҳофизи Аbru; вафоти 830/1427 й.) дастлаб Амир Темур хизматида бўлиб, кейинчалик Шоҳруҳ саройида таниқли тарихчи эди. Унинг «Зубдат ат-таворих Бойсунгурӣ» («Бойсунгур тарихининг саралари») асарида Амир Темур ва Шоҳруҳ юришлари баён этилган. Бу асар муаллифнинг «Мажмъа ат-таворихи султония» («Султонлар тарихи мажмуаси») номли тўрт жилдлик йирик тарихий асарининг (826/1423—830/1427 йилларда ёзилган) тўртнинчи жилдидир.

«Зубдат ат-таворих»да Амир Темур аждодлари қуйидаги тасвиғланган:

Султонлар султони Амир Темур қурагон ибн амир Тарагой-нүён ибн амир Буркул ибн амир Илангиз-нүён ибн амир Ийжил-нүён ибн амир Каракор-нүён ибн амир Сугу-сичон (Чечан) ибн амир Эрдамчи-нүён ибн амир Качулой-нүён (Қочули) ибн Туманойхон (Туманаҳон) ибн Бойсунгурхон ибн Қайдухон ибн Дутумманихон ибн Бўқоҳон ибн Бўданчархон (Бўзунжархон) ибн Алонкуво, унинг насаби қўёш нуридандир.

Ҳофизи Аbru ёзишича, шажаранинг Амир Соҳибқирон тармоғи Чингизхон аждодларидан Туманойхон (Туманаҳон) фарзандларидан бошлаб ажралади. Жумладан, Қабулхон жаҳонгир подшоҳ Чингизхоннинг учинчи отаси ва унинг биродари Качулой-нүён эса, амир Соҳибқироннинг саккизинчи отасидир. Барлослар кабиласининг номи ҳам Қачулой-нүёндан бошланган. Чингизхон ўзининг иккинчи ўғли Чигатайхонни Туркистон ва Мовароуннаҳр мамлакатларига ҳукмдор килиб тайинлаганда, амир Соҳибқироннинг бешинчи отаси Каракор-нүён унинг лашкарбошиси бўлган ва «амир ул-умаро» («амирлар амири») деган унвон олган. Кейинчалик Чигатай улусида ҳокимият учун ички низолар кучайиб кетганлиги сабабли, Каракор-нүённинг фарзандлари ва қавм-кариндошлари Кеш вилоятига келиб урнашиб, шу ерда яшаб қолганлар; унинг авлодлари ўша вилоятни бошқарганлар. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари ҳам уларнинг ана шу ҳукукини саклаб келганлар.

Ҳофизи Аbru ўз маълумотларини Соҳибқирон аждодлари шажарасидан олғанлигини таъкидлаб утади. Демак, у юкорида кайд этиб ўтилган «Муизз ал-ансоб»дан ҳам фойдаланган. «Зубдат ат-таворих»да Каракор-нүённинг фарзандлари кўп бўлганлиги кайд этилиб, улардан ўн тўққиз ўғилнинг номини, шу ўғиллардан тарқалган кейинги авлоднинг машҳуррокларини санаб, айримларининг шажараси то ўзи яшаб турган давргача давом эттирилган ва уларнинг қандай мавқени эгаллаб турғанликлари ҳам ёзилган.

Жумладан, Каракор-нүённинг олтинчи ўғли Ийжил-нүён бўлган ва унинг фарзандларидан бири Илангиз-нүён (Илангиз) эди. Бу нүённинг бир неча фарзандлари бўлиб, улардан бири Соҳибқироннинг бобоси Буркул-нүёндир. Унинг икки ўғли бўлган экан: бири — Балта (кўлёзмада ёзилиши ноаник, тахминий ўқилди), иккинчиси — Тарагой нүён, яъни Амир Темурнинг отаси.

Тарагой-нүённинг тўрт ўғли ва икки кизи бор эди: ўғиллар — (Амир) Темур, Суюргатмиш, Оламшайх, Жўги-нүён; кизлар — Кутлуғ Туркон-оғо, Шербийк-оғо.

Хофизи Абру бу фарзандларнинг ёш жиҳатдан кайсн бирин катта ёки кичиклиги ҳақида аниқ ёзмаган. Лекин унинг, Амир Темур Шахрисабз ҳокимлигини эгаллади, деганини ҳамда туркий халкларда одат бўйича катта ўғил ота ўрнида таҳтга ўтиришини (бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да айтган) хисобга олинса, у ҳолда Амир Темур фарзандлар орасида энг каттаси бўлади.

Хофизи Абру ўз асарида Амир Темур аждодлари ҳақида сўз юритиш билан бирга, Соҳибқироннинг илм ахлига жуда катта эътибор берганлигини, тарихлар, ҳикоятлар, киссалар ва ривоятлар тингламоққа майли кўп эканлигини, тарих ва ансоб илмида, айниқса туркий, араб ва ажам халклари ҳақида кенг маълумоти борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Демак, айтиш мумкинки, ана шу даврда шажарага, жумладан, туркий сultonлар шажарасига кўп эътибор берилганлигига маълум даражада Соҳибқироннинг бу соҳага бевосита қизиқиши ҳам сабаб бўлгандир.

Дарвое, Соҳибқирон аждодлари ҳақида 15-аср бошида Ҳусайн ибн Али Шоҳ томонидан бир чизма берилганлиги ҳам маълум.

Демак, Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг «Муқаддима» кисмини ёзишда Рашид ад-Диннинг юкорида қайд этилган асарларидан, шунингдек, туркий манбалардан ҳам фойдаланган. Агар «Муизз ал-ансоб»нинг 830/1426—27 йили Шоҳруҳга тақдим этилганлигини ва Хофизи Абру «Зубдат ат-таворих» асари 826/1423—830/1427 йиллар давомида тузилганлигини эътиборга олинса, у ҳолда Али Яздий «Зафарнома»си вақт жиҳатдан бир мунча олдинрок (822/1419—828/1424) ёзилган булиб чиқади. Али Яздийнинг узи «Муқаддима»да ҳанузгача бундай асар ёзилмаганини таъкидлаб ўтганлиги ҳам ушбу хulosани тасдиқлайди.

Амир Темур аждодлари шажарасининг битик, яъни тошга ўйиб ёзилган ёдгорлик шаклидагиси ҳам бизгача етиб келган. Бу Самарқанддаги машхур Гўри-Амир мақбарасидаги Амир Темурнинг қош тош (нефрит)га битилган остки ва мармарга ўйилган устки кабр тошларидаги ёзувлардир. Уларнинг арабча матни ва рус тилига таржимасини таникли шарқшунос А. А. Семёнов илмий мақола тарзида зълон килди (1948 йил).

Қош тошни Улугбек қўйдирганлиги битикнинг узида қайд этилган, у тошни 828/1425 йили Мўгулистандан, ўша ўлкага килган юриши чоғида олиб келган эди. Устки мармар тош ҳам айнан бир вақтда қўйилган, дейиш мумин, чунки тошлардаги битиклар мазмун жиҳатдан деярли бир хил. Ушбу тошлардаги битикларда Амир Темур аждодлари шажараси қўйидагича келтирилган:

«Амир Темур қўрагон ибн амир Тарагой ибн амир Буркул ибн Илангиз ибн амир Ийжил ибн амир Каракор-иўён ибн амир Сўгу-чечан ибн амир Эрдамчи-барлос ибн амир Кочули ибн амир Туманай». Шундан сўнг шажара Чингизхон номи билан давом этади:

«Чингизхон ибн амир Ясугай-бақодир ибн амир Буртон-баҳодир ибн амир Қабулхон ибн амир Туманай ибн амир Бойсунғур ибн амир Қойду ибн амир Тутумманин (Дутумманин) ибн амир Буғо ибн амир Бўзунжар; «Дутумманинхон», бул аслзоданинг отаси кимлиги номаълум, онаси эса Алонқуво бўлган; ривоятга кўра, бу ҳолат хиёнат килиш

булмай, балки ҳақиқий нур воситасида юз берган ва у (нур) Оллохнинг шери Али иби Абу Толиб авлодига мансуб бўлган».

Битикдаги шажаранинг охирги жумласи, яъни Али номи билан боғлиқ ривоят Ҳофизи Абронинг юқорида кайд этилган «Зубдат ат-таворих» асаридаги шажарада ҳам, шунингдек, Али Яздий «Зафарнома»си матнида ҳам йўқ, демак у тошга битик ўйилган пайтда қўшимча килинган. Шу билан бирга, битикни тузишда юқорида санаб ўтилган ёзма манбалардан фойдаланилгани аник.

«Зафарнома» муаллифи томонидан Амир Темур ота-боболарини аниқлашдан кўзланган яна бир мақсад, Соҳибқироннинг сultonлар хонадонига мансуб эканлигини исботлаш бўлган. Бу ҳақда китобнинг асосий қисмида Амир Темурга багишлаб ёзилган мадҳиянинг охирги сатрларида уқиши мумкин:

Шундай Соҳибқирон шухрати билсанг,  
Насаби ҳакида гар суриштирсанг.  
Отадан отага то Одам-ато  
Бори шоҳлик тахти узра қўймиш пой.

Тарихчи Ҳофизи Абру ҳам Амир Темурнинг аждодлари ҳақида сўз юритар экан, улар улуғ амирлар ва номдор сultonлар эди, деб таъкидлайди.

«Муқаддима»даги маълумотлар кейинчалик ҳам ушбу мавзуда асарлар ёзишга туртқи бўлди. Жумладан, Улугбекнинг «Тарихи арбаб улус» («Тўрт улус тарихи») асари тўла тўқис ана шу «Муқаддима»га таяниб ёзилган. Абдулгозий Баҳодирхон (1603—1664 йиллар) «Шажарайи турк» асарида: «Шарафуддин Яздий «Зафарнома»нинг «Муқаддима»синда айғиб ўтурур<sup>1</sup>», деб ана шу манбадан фойдаланганини аник равшан таъкидлаб ўтади.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг «Муқаддима» қисмидан берилган куйидаги таржима парчада Амир Темур аждодлари мавзуига даҳлдор лавҳаларгина олинди, қисқартирилган матнлар изоҳлаб ўтилди. Таржимон изоҳлари ва қушимчалари куюқ ҳарфлар билан ёки қавс ичидаги берилди. «Зафарнома»даги Амир Темур аждодлари ҳақида маълумотлар узбек китобхонлари учун Темурийлар даври ёзма меросини, умуман туркий халқлар тарихини урганишда фойدادан ҳоли бўлмас деган умиддамиз. Форс тилидан узбек тилига килинган ушбу таржима Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида сакланаётган нодир нусхалардан бири (№ 4472) асосида амалга оширилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Абулгозий. Шажарайи турк. Нашрға тайёрловчилар К. Муниров, К. Маҳмудов, Т., 1992, 17-бет.

<sup>2</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. (фотофаксимил нашр). Нашрға тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Урипбоеv. Т., 1972.

## МУҚАДДИМА

Китоб аввалида (1 б — 15 б вараглар) Оллоҳ зоти ва Мұхаммад пайғамбарга ҳамду сано; Амир Темур, Шоҳрух ва Иброҳим Султон шаынiga мақтov; «Муқаддима»ни ёзишдан мақсад; тарихни ўрганишининг аҳамияти; оламнинг яратилиши ва тузилиши; пайғамбарлар ҳақида қисқа сўз; Одам-атонинг яратилиши ва ундан тарқалган авлод; Нуҳ пайғамбар тарихидан иборат лавҳалар берилган. Ундан сўнг матн куйидагича давом этади.

(в. 15 б) «Оlam аҳлиниңg аксари Нуҳ наслиданурлар, унга ва уларнинг ҳаммасига Оллоҳнинг раҳмати бўлсин. Ушбу сабабдан уни Одами соний<sup>1</sup> (ҳам) атайдилар. Унинг тўрт ўғли бўлган: Ёфас, Сом, Ҳом, Кањон ... (Сом, Ҳом ва Кањон ҳақида қисқа хабар берилган).

Ёфас ибн Нуҳ,— уларнинг ҳар иккаласига (Оллоҳнинг) саломи бўлсин,— баъзилар айтадиларки, у (Оллоҳ томонидан) юборилган пайғамбардир. Унинг саккизта ўғли бўлган экан: биринчиси — Турк, иккинчиси — Ҳазар, учинчиси — Саклоб, тўртинчиси — Рус, бешинчиси — Матсак, олтинчиси — Чин, еттинчиси — Камори ва уни Каймол ҳам дейдилар, саклизинчиси — Торих. Искандар Зулкарнайн<sup>2</sup> у (Нуҳ) нинг тўртинчи ўғли авлодларидан бўлган.

Туркистон мамлакатининг ҳар бир ўлкасини унинг фарзандларидан бирининг исми билан атаганлар. Нуҳдан — унга (Оллоҳнинг) саломи бўлсин,— сўнг бу жамоа бир қанча йиллар Бобил шаҳрида<sup>3</sup> яшаган. Тунларнинг бирида ҳар бир гурух бошқа-бошқа тилда сўзлашадиган бўлиб қолди ва бир-бирларининг тилларига тушунмас эдилар. Шундай килиб, улар ночор бир-бирларидан ажралдилар ва тарқалиб кетдилар; ҳар бири бир жойга бориб ўрнашли, у ерда уларнинг насли кўпайди ва ўша вилоят уларга мансуб бўлиб қолди...

Қисқаси, Ёфасни туркларнинг отаси (Абу-т-турк) атайдилар, Сомни — ажамнинг отаси (Абу-л-ажам) ва Ҳомни эса ҳиндларнинг отаси (Абу-л-ҳинд) дейдилар.

Нуҳнинг энг катта ўғли Ёфасдир ... (Ёфаснинг шарқ томон юриб ўша ерларда ўрнашиб қолганлиги қайд этилган).

(в. 16 б) Сўнгра эл кенгаш қурдилар ва Ёфас ўғли Туркни узларига бошлиқ килиб сайладилар. Турклар уни Ёфас-үғлон дер эдилар. У Ёфас фарзандларининг энг тўнгичи бўлиб жуда оқил, одобли ва хунарманд эди. (Ёфас-үғлон) отасининг юртини бошдан оёқ кезиб бир яхши жой топди, уни Салангой<sup>4</sup> атайдилар, у ерда суви илиқ бир кичик дарё бор, тоғ ва чучук сувли булок кўп. (Ёфас-үғлон) ўша жойда яшай бошлади ва улуғ тангрига шукrona килди. Ўтов куриш унинг ихтиrolаридан, турклар орасида мавжуд лакаблар унинг томонидан (берилган). У одил ва камолотли подшоҳ эди, элга кўп саховат қиласиди ... (Унинг фарзандлари ҳақида ёзилган).

(в. 17 а) Накл қилурларким Ёфас-үғлон Каюмарс билан ҳамаср экан. У турк подшоҳларининг, Каюмарс эса ажам подшоҳларининг аввалиси бўлган...

Келтирган парчадан маълум бўладики, туркий ҳалклар деганда тарихан анчагина кенг тушунчани тасаввур этмоқ

лозим. Али Яздий ҳам бу катта мавзунинг факат ўз максади, яъни Амир Темурга дахлдор қисми ҳақида ёзди. У дастлаб, бир канча туркӣ подшоҳлар (Алмажнахон, Дебодқӯйхон, Кӯкхон, Алинжакон) тӯгрисида қисқа маълумот беради. Алинжакон подшоҳлиги ҳақида кўйидагилар ёзилган.

(в. 17 б) У (Алинжакон) эгизак ўғилли бўлди ва уларнинг бирига Тотор, иккинчисига эса Мўгул деб от қўйди. Ҳар иккала ўғил улгайдилар ва вилоятларни бошқариш даражасига етдилар. Уларнинг отаси қариб-қартайганида мамлакатни ўғилларига тақсилаб, ярмини Тоторга ва (иккинчи) ярмини Мўгулга берди. Ота вафотидан сўнг ўғиллар ахилликда эл-юрг сўрадилар. Улар тотор ва мўгулдан иборат икки тармоқ здилар.

Муаллиф тотор табақаси ҳақида қисқа маълумот бериш билан чекланиб, асосий мавзуга, яъни мўгул табақаси тавсифига ўтади:

### МЎГУЛ ТАБАҚАСИ ҲАҚИДА СЎЗ

«Мўгул тармоги тўққиз киши эди; уларнинг дастлабкиси Мўгулхон ва сунггиси Элхон бўлган ва тўққизни ўшалар сонидан олганлар. Бу ҳақиқатга яқин, чунки мартабалар орасида сон жиҳатидан тўққиздан ортиқ бирорта ҳам мартаба йўқ.

Мўгулхон подшоҳлиги. Мўгулхон мамлакатнинг ўзига қарашили қисмида ҳукмронлик қила бошлади, қудратли ва шавкатли эди; салтанатни шундай бошқардики, эл зътиқоди ва розилигини қозонди. (Нихоят) бу фоний оламдан кўз юмди. Унинг турт ўғли бор эди: Корахон, Озархон, Гурхон ва Ўзхон.

Кораҳон подшоҳлиги. Кораҳон Мўгулхон фарзандларининг энг каттаси эди, отаси ўрнига (тахтга) утириди ва эл сўраш билан машгул бўлди. У Корақурумда икки тоф бағрида, уларни Уртоғ ва Куртоғ (в. 18 а) атайдилар, яйлов ва қишлоғ тарзида яшарди.

#### Назм:

Корақурум ёнида туп булдилар,  
Икки тогнинг орасига қундилар.  
Уртоғ ва Куртоғ<sup>5</sup> ҳар иккисин номи,  
Улар яйлов-қишловининг мақоми.

Мўгуллар Кораҳон замонида куфр ва ширк (Йулида) шундай маҳкам эдиларки, масалан, agar фарзанд куфрда мустаҳкам, қаттик турмаса, ота уни жазолайди, то шу даражадаки, (ҳатто) қагла етказиши ҳам мумкин эди ва (бунда) отанинг фарзандга бўлган меҳру шафқати ҳам зътиборга олинмасди. Кораҳон подшоҳлик килиб эл сўраётган даврида, унинг катта хотини бир ўғил туғди, жуда чиройли ва макбул. У уч кеча-кундузгача онасини эммади, она эса ҳар тун боласини тушида кўрарди, ва (боласи) унга шундай дерди: «Эй она, то мусулмон булмагунингтacha ва тангрига сигинмагунингтacha<sup>6</sup> сени эммайман». (Шоҳ) хотини бу тушдан ваҳима ва қўркувда эди. Ўнида мусулмон бўлишдан кўркарди, яширинча имон келтирди ва боласини эмизди.

Бола бир ёшга тұлғанида жуда чирайли бұлған эди.

**Н а з м :**

Хуснига нигоҳин ташласа ҳар ким  
Күёш ва ой мактывидан қолар жим.  
Худо меҳри қалбіда бұлғани учун  
Тұла-тұқис эди обу гили бутун.

Ұша замонда мұғулларда шундай удум бор эдики, то фарзанд бир ёшга тұлмагунича унга от құймасдилар. Алқисса, Қорахон хилватгоҳға кирганида она ёнида бешікда тұлин ойдек үгілни күрди. У шодликдан (әлга) түй берди. Ұша базмда амирлар ва (улус) улуглари олдида хотинига шундай деди: «Үглемиз бир яшар бұлды, унга қандай от құямыз?» Бир яшар бола бешікда тилга кирди ва аник сұзлаб деди: «Менинг отим Үгүздір».

**Н а з м :**

Бир ёшдаги бола шунда бошлаб сұз,  
Деди, номим бұлсın менинг Үгүз.  
Тутиб қулоқ әл бола сұзлашига,  
Таажжуб қолдилар бундай ишига.  
Дунёда бу ажиб айтқынг ким күрмиш,  
Ки бир ёшли фарзанд сұзлаб, әшитмиш.

Сұнгра унинг исмини үшандай аташга карор килдилар. (Үгүз) балоғат ёшига етганида Қорахон үз укаси Гурхоннинг қизини унга олиб берди. У жуда сохибжамол, латофатли, тұлин киз эди, бирок ислом динида бұлмагани сабабли, Үгүзхон уни хүш күрмасди, ундан бұлак ётарди ва илтифот килмасди. Отаси күрсаки, Үгүзхоннинг қизга майли йүк, (үглини) ута азиз тутиб сүйганилигидан, (унга) кейинги биродары Озархоннинг қизини олиб берди. У (киз) хам ислом динида бұлмаганлиги сабабли, Үгүзхон (уни) улфат тұтмади. Шунинг учун ота доим хафа ва ғамгин эди, (энди Үгүзхоннинг) учинчи (в. 18 б) амакиси — Үзхоннинг қизини сұрашни үйларди. Буни қарангки, бир куни Үгүзхон овдан қайтаётіб үйли Үзхон уйи томонға тушиб қолди.

**Н а з м :**

Кизни күрди арик бүйіда ул он,  
Кир юувичи улус ичра хиромон.

Үгүзхон нигоҳи унга тушиб, деди: «Агар менинг сұзимни әшитсанг ва ислом динига (киришга) вәъда берсанг, мен сени хохлагум ва жондан хам яхши күргүмдір».

**Назм:**

Тинглаб йигитдан хүш хабарни киз  
Онт ичиб, шивирлаб очди оғиз:  
Сенинг гар бұлсам айтганинг қилгум,  
Сұзинг, фармонаңнің кулоққа илгум.

Ўгузхон унинг сўзларини эшитгандан сўнг кўнглидагини отасига айтди ва ота ул қизни ўғлига олиб берди. Ики ўртада буюк мұхаббат юзага келди, (йигит) доим у билан бўларди, бошқаларга илтифот кўргазмас зди; бошқа (хотин)лари рашик қилдилар. Бир куни Ўгузхон овга кетганида, Қораҳон базм тузиб ўғлининг хотинларини ҳам чорлади ва улардан ҳол-аҳвол сўради. Хотинлар, дастлаб, Ўгузхон ва унинг мусулмон бўлгани ҳакида сўнгра, уларни ҳам мусулмон қилмоққа ундағанлиги, бирок улар кўнмаганликлари, учинчи хотин эса мусулмон бўлганлиги учун уни яхши кўришини бирма-бир айтиб бердилар.

**Н а з м :**

Кирмагунча бизлар унинг динига,  
Учрадик адоварути кинига.  
Учинчини суйиши шундандур,  
Унга ҳамроҳ ҳамроҳ ва ҳамдиндур.

Қораҳон бу сўзларни эшитиб титроққа тушди, қариндошларига ва (ўша ерда) ҳозир бўлганларга ўғини жазога маҳкум, деб зълон қилди.

**Б а й т :**

Бизнинг дин-удумдан бош тортди, демак  
Қилич бирла бошини узмок керак.-

У буюрди, қўшин ва жангчилар тўпландилар, ўғлини ўлдирмак учун овлоқ томон йўл олди. Мусулмон хотин бу ҳолни англаб, (зудлик билан) эрини хабардор қилди. Ўгузхон (бўлиб утган воқеадан) огоҳ бўлгандан сўнг, жангга ҳозирлик қўрабошлади.

**Н а з м :**

Овлоқда тўкнашдилар икки қўшин,  
Ўгуз аниқ билди жанг қилишин.  
Сипоҳлар от сурар бир-бирига ёв,  
Гўёки темирдан қуйилар олов.

Қораҳон (жангда) катта талафот кўрди, қўшинлари қочмоққа юз тутди. (Улус) улуғлари, саркардалари Ўгузхон қошиға келиб бош эгиб мусулмон бўлдилар, Ўгузхонга (садик бўлмоқликка) қасамёд қилдилар ва подшоҳлик унга муқаррар бўлди.

## **ЎҒУЗХОН ПОДШОҲЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ**

Ўгузхон шон-шавкатли ва олийҳиммат подшоҳ зди. У бутун сипоҳ, сарой аҳлини ва ўз тарафдорларини ислом динига киритди. Етмиш уч йил давомида амаки ва тоғалари ҳамда уларнинг тобелари билан жанг қилди. Ниҳоят (в. 19 а) уларни эл-юртдан кувгин қилди, ҳаммасини тарқатиб юборди. Улар ул ерлардан машриқ томонга кочдилар, Чин ўлкасига кетдилар ва тотор подшосига паноҳ излаб бордилар. Тотор подшоҳси уларни қуллаб-куватлади ва (биргаликда) Ўгуз устига қўшин

тортдилар, (бирок) Үгүзхон (шон-шавкатидан) уларнинг кунглига ваҳима ва қўркув тушди ва қочиб кетдилар. Үгүзхон улар ортидан қувлаб то Чин үлкасигача борди ва у иқлимни ҳам эгаллади. Натижада тотор ва мўғул эл улуси Үгүзхонга эл бўлдилар, у эса барчасига ҳоким бўлди. Талош шаҳри" ва Сайромдан то Бухоро чегарасигача (бўлган срларни) ўз қўл остига олди, у (епдаги) барча кофиirlарни исломга киритди.

(Үгүзхон) ҳар бир шаҳар ва ноҳияга биттадан амир ва ҳоким тайинлаб юборди. (Ўзига) олтин ва жавоҳир (билин безатилган) бир ўтов тиклади; хисравона базм, шоҳона тўй берди, (унда) жами амирлару улуғларни сийлади ва қадрлади.

### Байт:

Күшинга улашди олтин, тўн, жом  
Бекарор дилларга бериб ором.

Ислом дини ва туркий халқлар туриш-турмуши ривожига сабабчи бир қанча қонунлар яратди; Жамшид ажам подшоҳлари орасида (кандай бўлса), Үгүзхон ҳам (турк) подшоҳлари орасида шундай эди.

## ЎГУЗХОННИНГ ТУРК ҚАВМЛАРИГА ЛАҚАБ БЕРИШИ

Үгүзхон турк элатларига лақаблар қўйди ва (улар) ҳозиргacha уша лақаблар билан аталадилар. Чунончи: уйгур, қонғли, қипчоқ, қорлик, ҳалаж ва ҳ. к.

Уйгур (сузининг) маъноси қушилмоқ, бир-бири билан аҳдлашмоқ-дир. Ул тоифа жангда Үгүзхонга ёрдам берганлиги учун (Үгүзхон) уларни уйгур деб атади.

Қонғли. Ўз вактида Үгүзхон жангда жуда кўп улжа қўлга киритган эди, бироқ уларни олиб кетишга кучлари етмади. Жангчиларнинг ишни кўзини биладиган бир тупи арава ясад у ўлжани осонлик билан ташиди. Улар уз фахм-фаросатлари билан арава ясаганликлари учун (Үгүзхон) уларга қонғли деб лақаб қўйди, (чунки) мўгуллар аравани қонғли дейди.

Қипчоқ. Үгүзхон жангларнинг бирида, (аникроги) ит-бароқ (уруги билан бўлған) жангда енгилди ва қочиб икки дарё оралиғидаги оролга бориб тушди. Қушини орасида бир ҳомиладор аёл ҳам булиб, унинг эрини жангда улдирган эдилар. Аёлда тулгоқ бошланди, (ночор ўша ёрдаги) танаси кавак булиб қолган бир дараҳт ичига кириб кўзи ёриди. Үгүзхон бу воқеани эшитганда, аёлнинг аҳволига раҳми келди. Боланинг отасини биз сабаб булиб ўлдирдилар ва у етим қолди, деб уни (узига) фарзанд (в. 19 б) килиб олди ҳамда болага Қипчоқ деб исм берди. Қипчоқ сўзи асли қибуқ (сузидан) келиб чиқсан, яъни танаси говак дараҳт, демакдир.

### Байт:

Энди қипчоқ қавмини бошдин оёқ,  
Ўша бир ўгулдан олурлар саноқ.

Үгүзхон ун етти йил утгандан сунг ит-бароқ қавми устидан галаба

қозонди ва Эронни эгаллади. Бир қанча вақтдан кейин Үгүзхон Туранга кайтди ва (бу ерда) душманлар яна бош күттарғанлыгидан хабар топди. У ўзига ўғил қилиб олган Қипчокка күл өстидагилари билан отланиб Момоқ атрофида чегарани қўриклишни буюрди. Қипчок фармонга мувофиқ жўнади, у ерга бориб ўрнашди ва ўша ерда қолиб кетди.

**Корлик.** Үгүзхон (отининг жиловини) Фур ерларидан Турон улкаси томон бурди. Қиши жуда совук эди, дашту чўлни бутунлай кор қоплаган, буюрдиким ҳеч ким қўшиндан ортда қолмасин. Қалин кор ва қаттиқ совук бўлгани сабабли жангчилардан баъзилари ортда қолди. Үгүзхонга бу ҳол маълум бўлгач, (уларни олдига) чорлади ва суроқдан сўнг ортда колганиларни қорлиқ деб атади.

#### Байт:

Кимки қорликлардан бўлса асли,  
Ўшалар унинг туғилган насли.

**Халаж.** Үгүзхон мамлакатларни забт этишга черик тортган чогида ҳеч ким қўшиндан ортда қолмасин, деб буюрди. Бир кишининг хотини фарзанд кўрди, аммо дармонсизликдан (унинг) сути йўқ эди. (У киши) чўлда тустовуқ тутиб олган чиябурини қўриб қолди, унга бир ёғочни олиб улоқтириб тустовуқни тортиб олди ва хотинига кабоб қилиб берди. Аёл уни егандан сўнг (кўкрагида) сут пайдо бўлди ва боласини эмизди.

#### Назм:

Фу ишдан у киши бир оз тин олди.  
Бирок Үгүзхон уни билиб қолди.  
Деди ранжиб, бирор тусса хотини,  
Нега четга тортади отини.  
Ул кишини подшоҳ ҳалаж атади.  
Маъноси: «Хотин қўриқчиси», эди,

Үгүзхон бутун улусга юрту чорва ва яйлов ҳам қишлоғ (учун) жой ажратиб берди.

#### Назм:

Сен буларнинг борини турклардан бил  
Шу йусинда номлари бўлмиш хар хил...

(Үгүзхон ўз юрти Куртоққа қайтиб элга тўй берганилиги ҳикоя қилинган)

(в. 20 а) Үгүзхоннинг олтитá ўғли бор эди. Учта катта ўғил ва учта кичик ўғил. Учта каттаси — Кунхон, Ойхон, Юлдузхон; учта кичиги — Кўкхон, Тоқхон, Тангрихон.

#### Назм:

Үгуз ушбу туйда еру мол берди.  
Хар олти ўғилга суюргол берди ...

## ЎГУЗХОННИНГ ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИГА (МАНСАБ) ТАЙИНЛАГАНИ ҲАҚИДА

Ўгузхоннинг ўғиллариң бир куни тўпланиб овга чиқдилар. (Улар) овда битта ёй, учта тилла ўқ топиб олдилар ва Ўгузхонга келтириб бердилар. (Подшоҳ) уччала катта ўғилларига ёйни ва кичик ўғилларига эса учта ўкни (булиб) берди. Катта ўғиллар ёйни уч кисмга бўлдилар. Шу сабабдан уларни бузуқ, кичик (ўғилларини эса) уч ўқ атадилар. (Шу билан бирга), бузукларнинг хукми уч ўқларникига Караганда юкорирок бўлсин, деб қарор қилдилар, чунки ўқ элчиликни ва ёй подшоҳликни англатади.

Байт:

Ўқ элчи-ю ёй шоҳга юрар,  
Элчи подшоҳдан куйида турар.

Ўнг қўл (томон)ни, қайсиким араблар маймана ва туркийда уни буонгор дерлар, бузукка берди. Сул қўл (томон)ни, қайсиким араблар майсара ва туркийда жувонғор дерлар, уч ўққа биректириди, токи, ҳар бир киши ўз йўл-йўригини англаб олсин. Яна уша мажлисда шоҳ, унинг вафотидан сўнг салтанат тахти-ю хонлик бузук қавмига бўлсин, деб васият қилди ва кўп ўтмай (жони) тангри даргоҳидан ўрин олди.

Ўгузхондан сўнг, унинг авлодлари — Кунхон, Ойхон, Юлдузхон, Минглихон, Тангрихон, Элхон, Юлдуз подшоҳлик тахтида хукм сурғанликлари ҳикоя килинади ва Бўзунжарлар давлати ҳакида бир мунча кенгрок тўхтаб ўтилган:

### (в. 22 а) БЎЗУНЖАРЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УЛАРНИНГ АҲВОЛИ

Бўзунжар Алонқувонинг ўғли, Алонқуво эса Юлдузнинг кизи — Жубинадан (түғилган) эди, киёт уругидан; ҳусну жамол ва иффату камолда тенгиз сироати малика эди.

Назм:

Барлос уругидан насаби ўзи,  
Сочлари туғилган, ой мисол юзи.  
Чиройда тенги йўқ, кўрганда киши.  
Ҳайрат бармогига қадалар тиши.  
Лаблар сўз очгандা жон ато қилур,  
Юзлар тиникилиги рух пайдо қилур.  
Икки тарам сочдан таралар анбар,  
Кўзлари сузилган коғирдан асар.  
Ҳалқадек буралган икки зулфи бор,  
Икки кўзи жоду уйқуга хумор.  
Гули сунбулдан олмиш тароват,  
Сунбули гулдан топмишдур зийнат.  
Юзини кўрган киши дер, бу ой,

Тангри санъати очмишдир чирой.  
Бўйи олдида сарв ҳам лол эрур,  
Ўтираолмас, тик беҳол эрур.

Уни амакисининг ўғли Дивун-Боёнга турмушга чикардилар, у мӯгулларнинг ҳокими ва хони эди. Ул (хотин)дан икки ўғил туғилди: бири — Илгиди, иккинчиси — Илчигди. (Алонқуво) эри вафотидан сўнг ҳокимиятни бошқариш ва фарзандларини парвариш килиш билан машгул булди. Ўшандай ҳолатда тангри иродаси билан шундай булдики, бир куни ул (хуснда) тенгсиз малика тўшакда дам олиб чулраб ётганда ногоҳ ул коронига ўйга ёргулик тушганини кўриб колади. Ёруг нур унинг оғзига кириб кетди ва у ўзида ҳомиладорлик ҳолатини (в. 22 б) сезди. Чунки Марям Имрон кизи Жаброилнинг дами билан, ҳеч кандай отасиз<sup>11</sup> ҳомиладор бўлган. Ҳар иккаласи ҳам тангри кудратидан ва гаройиб (воеа) эмас.

### Байт:

Гар Марям қиссасини эшитган бўлсанг,  
Алонқувода ҳам шундай бўлган дерсан.

Аммо эл ва унинг қўл остидагилар бу ҳолатга ишонмадилар, уни инкор килиб маломат тоши ота бошладилар. (Шунда) Алонқуво элнинг улуғлари ва оқсоқолларини ҳузурига чорлаб деди: «Улуг тангри менга гувоҳ ва поклигимдан огоҳ эрур. Агар сизларда бирор гумонлик бўлса, менинг ўтовимга келинглар ва бу сир равшан бўлгай. Улар бир неча кун бу ҳолатни кузатдилар ва аникладиларки, ўтов туйнугидан бир нур кириб чиқиб турарди. Шундан сўнг улар кўнглида туғилган шак-шубҳа тарқади ва тилларини маломат килишдан тийдилар.

У (Алонқуво) кўзи ёриб уч ўғил кўрди, (Улардан) бирига Йуки-Қатиган исм қўйди ва катиған уруги унинг наслидандир; иккинчисини Бу-Қожи-Солжи (атади) ва солижют унинг наслидандир; учинчисига Бўзунжар (ном берди), кайсиким энг кенжаси эди ва бутун турк сultonлари ундан келиб чиқкан. Жами мӯгул хонлари (ҳам) унинг наслидан. Бу уччала ўғилнинг наслини, уларнинг пайдо бўлишига нур сабаб бўлганлиги учун, нийрун дейдилар. Дивун-Боёндан бўлган ул икки ўғилнинг наслини дуралигин дерлар ва улар насиба нирундан пастроқ турдилар. Бўзунжарнинг дунёга келиши Абу Муслим Марвазийнинг<sup>13</sup> хуружи вақтида бўлган.

## БЎЗУНЖАР-КООННИНГ ПОДШОХЛИГИ

Бўзунжархон, кайсиким, Чингизхоннинг тўққизинчи бобосидир, ва ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур)нинг ўн тўртинчи бобосидир, (тез орада) оқ-корани ажратадиган бўлди ва раби ал-аввалнинг бошида<sup>14</sup> салтанат таҳтида балқиди, ул мамлакатни бутунлай эгаллади. Узоқ муддат эл-улус сўраб келган тотор ва бошқа урууглар амирлари унинг хизматига бел боғлаб турдилар, буйсуниб итоат килажакларини айтдилар ва уни коон деб тан олдилар.

Мұғуллар унвонга күп ҳам зътибор беравермайдилар, муболага ва тақаллуф кілмайдилар. Қимки хөнлик тахтига ўтиrsa, унинг (номига) хон ёки қоң деган сұлардан бирини күшадилар. Мұғул күшини оз-күпга күнувчи ва қийиңчиликларда сабрлидур.

Бұзунжардан сұнг Буқохон, Дутумманихон, Қайду-хон ва Бойсунгурхон ҳақида лүнда қысқа қылнған. Қейинги подшоқ Туманахон Бойсунгурхон ўғли ҳақида сұз кеттанды бир қызық ривоят ҳам берилған:

### (в. 24 а) ТУМАНАХОН ПОДШОХЛИГИ ҲАҚИДА СҰЗ

Туманахон отасининг тожу тахтини зғаллади. Подшохлик қилиш қонун-қоңдаларини яңгилади, хөнлик шон-шавкати-ю. овозаси узок үлкаларгача тарқалди.

Назм:

Подшохлик даврини сурди баҳтиёр,  
Ота чирогини ёқди у такрор.  
Касб этиб аждодлар удумини,  
Кайвонга<sup>16</sup> күтарди ота номини.

Үша атрофдаги бир неча мамлакат (унга бўйсуниб) подшохлик мероси ортди. Ул замонда Туркистон мамлакатида Туманахондан шавкатлироқ подшоҳ бўлмаган. Унинг иккى хотини бор эди; биридан етти ўғил, иккинчисидан эса иккى — эгизак ўғил кўрди. Эгизаклар мардлик ва баркамоллиқда ҳамма оға-иниларидан зиёда эдилар; (в. 24 б) бирини Қабул, иккинчисини Қочули аташарди. Қабул Чингизхонинг учинчи бобоси ва Қочули эса ҳазрат Соҳибқирон (Темур)нинг саккизинчи бобоси бўлган.

### ҚОЧУЛИНИНГ ТУШ КЎРИШИ ВА ТУМАНАХОН УНИ ТАЪБИР ҚИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СҰЗ

Тунлардан бирида Қочули (шундай) туш кўрди. Қабулхоннинг кўйнидан бир юлдуз учеб чиқди, (бир оз) чақнаб тургач, сұнди. Сұнгра яна бир юлдуз чиқди ва сұнди. Учинчи марта бир юлдуз (учиб) чиқди ва ботди. Тұртингчى марта унинг кўйнидан бир порлаб турған юлдуз чиқди ва у бутун оламни ёритиб турарди. Порлоқ юлдуздан бир неча юлдузлар ажралиб чиқди ва улардан ҳар бири бир үлкага ёргулек ва нур таратиб турарди. Ул ёруг юлдуз кўринмай кетгандан кейин ҳам теварак-атроф бир текис ёргулугича қолаверди. Уйқудан уйғониб курса, ҳали кечанинг учдан бири бор экан. Тушининг таъбири устида бир лаҳза уйланиб қолди ва шу хаёл билан яна уйқуга чумди. У яна туш кўра бошлади. (Энди) ўзининг кўйнидан (бир) юлдуз учеб чиқди ва сұнди; бошқаси чиқди, сұнди; учинчи марта ҳам бир юлдуз чиқди ва сұнди; егти марта шундай бўлди. Саккизинчи маротаба эса бир катта юлдуз балқиди, у бутун шохлик ва дунёга нур-зиё таратиб турарди. Ундан бир неча кичик юлдузлар ажралиб чиқди, ҳар қайсиси бир ўлкани ёритди. Ул улкан

юлдуз магриб нүктасигача етиб сүнгач, ундан ажралиб чиккан (юлдузлар) порланишида давом этдилар.

Кочули ул туш гулгуласи билан уйгониб кетди, караса айни тонг чоги экан. Үшал кун отасини танҳо топиб ўзи кўрган аввалги ва кейинги тушларни унга баён қилди. Туманахон ул тушдан хурсанд бўлди ва тўнгич ўғли Қабулхонни олдига чорлаб, ундан (Кочулидан) тушни яна бир бор сўради, у тушни отаси ва акасига айтиб берди.

Давлат арбоблари илхомли бўладилар,— деган ҳукмга мувофиқ, Туманахон ҳар иккала тушни ҳам таъбири қилди ва деди: «Биринчи тушнинг таъбири шулдирким. Қабул (авлоди)дан бирин-кетин уч шаҳзода ҳонлик тахтида ҳукм сургайлар. Бироқ, уларнинг ортидан, (яъни) тўртгинчисида бир подшоҳ дунёга келади ва у оламдаги мамлакатларни эгаллади.<sup>16</sup> Ундан фарзандлар булади ва у узок-яқин (срларни) уларга бўлиб беради, ҳар бирини бир мамлакатга ҳон қилиб тайинлайди. У дунёдан кўз юмгандан сўнг, салтанати маълум муддат фарзандлари қўлида бўлиб туради.

Иккинчи тушнинг таъбири шундайки, сенинг<sup>1</sup> наслингдан етти авлод бирин-кетин дунёга келиб, улар (в. 25 а) подшоҳга воситачилик қилиб ўтадилар. Аммо, саккизинчи марта, яъни ул буюк юлдуз балқиган ҳолат (таъбири шулки), бир киши сенинг наслингдан жаҳонгирлик қилгай<sup>17</sup> ва кўп мамлакатларга подшоҳ бўлгай. Ундан кўп фарзандлар дунёга келиб, уларнинг ҳар қайсиси ундан кейин мамлакат вориси ва ҳукмдори бўлиб, ҳар бири бир иқлиминг шоҳи булади...


Улар (Қабул ва Қочули) ота олдида: «хонлик тахти Қабулхонга бўлсин, шамшир ва ҳукм юритиш эса Қочулига берилсин»,— деб бир-бирларига сўз бердилар. Биз фарзандларимизга ҳам васият қиласиз, (улар) ҳам авлоддан-авлодга ушбу қондага амал қилсинлар»,— дедилар. Шу ҳақдаги карорни уйгур ёзувида битиб қўйдилар, ҳар икковлари унга имзо чекдилар; ота ҳам унга ўзининг ол тамгасини босди ва уни ҳон ҳазиначисига топширдилар. Туманахоннинг умри тугагач, Қабулхон ҳонлик тахтига ўтириди. Қочули эса у билан яқдиллик ва мувофиқат мақомини тутди...

Шундан сўнг, подшоҳлик тахти нафбат билан Қоби-лахон ва Буртон-баҳодирга тегишли этилади:

(в. 26 а) Қабулхоннинг (кейинги) ўғли Буртон-баҳодир юрт аёнлари маслаҳати билан акаси ўрнига тахтга ўтириди ва отаси Қабулхон қонунларини қайта тиклади. У давлатли бир ҳон ва саловатли подшоҳ эди. Ӯша кезларда мардлик ва ақл-идроқда унга тенг келадигани топилмасди. Шу сабабдан, унинг «хонлик» лақабини «баҳодирлиқ» билан алмаштирилар.

(Буртон-баҳодир) подшоҳлик тахтига ўтирганида амакиси Қочули вафот қилган эди. Унинг ўғли Эрдамчига отасининг вазифасини инъом этди ва саркардалик Эрдамчига биринтирилди ҳамда унга «барлослиқ» лақаби берилди. Уни Эрдамчи-барлос дея бошладилар...

Буртон-баҳодирдан сўнг, ўғли Ясуко-баҳодир тахта ўтириди. Унинг ўғли Чинғизхондир. Чинғизхон қабилаларро жанг-жадалларда бирин-кетин голиб келиб, ниҳоят ўзга ўлкаларни ҳам забт этишга кириши. Натижада Евросиб



материгида улкан территорияни эгаллаган Мұғуллар империяси таркиб топди ва уни Чингизхон тұрттала үфлигі булып берган эди. Үрта Осиё Шаркый Туркистан билан биргаликда Чигатойга тегишли этилди ва тарихда Чигатой улуси номы билан машхур булып колди. Амир Темурнинг ота-боболари хам, асосан, ана шу улусда яшаганлар. «Муқаддима»да бу ҳақда қимматли маълумотлар көлтирилген.

### (в. 24 б) ЧИНГИЗХОН НАСЛИДАН ТУРОН МАМЛАКАТЛАРИДА ҲУҚМРОНЛИК ҚИЛГАН ХОНЛАР ҲАҚИДА СҮЗ

Чигатой улусида хонлик таҳтига ўтирган Чингизхон авлодларидан бұлмиш подшохлар ўттыз иккита бұлғанлар.

#### Байт:

Чингизхоннинг күп эди бола-чақаси,  
Ота иккі күзининг нури дийдаси.

У шону шавкатли, олий ҳимматли, оламдай улуғвор, Баҳромдай<sup>19</sup> савлатдор подшох эди.

#### Назм:

Фалакдай буюк ва қүёшдай қудратли,  
Жаҳондору, багри кенг ва саодатли.  
Саховати бекиесдур базм чогида,  
Йирткич шер ҳам ундан қочар жаңг чогида.

Чингизхон (үз подшохлиги ерларидан) Туронзамин мамлакатини (гарбда) Турон билан Эрон үртасида (чегара) Жайхунгача, суюкли фарзанди (Чигатой)га атади; ҳамда уни, унга ажратып берилған мамлакат ва сипоҳ билан биргаликда, үз амакиваччаси Қарачор-нүёнга топширди ва (бош-кош булып туришни) күп тайинлади. Чунки Чингизхонга шу нарса маълум әдикі, ҳар ишда ҳомиийлік бу буюк (нүён)нинг құллаб-куватлаши билангина кучли бұла олади.

#### Байт:

Ул донгдор құмагила күчлидер шох,  
Ҳам ишбилармон эди, ҳам хайрихох.

Чигатойхон, ота васиятига мувофик, уннинг (Қарачор-нүён) кенгашисиз ва розилигисиз ҳеч бир ишга құл урмас ва мурод кавкаби ул улуғ ҳукмрон ихтиёридаги уфқдан бојика жойда чакнамас эди.

#### Назм:

Хар бир ишда ундан сұрарди құмак,  
Хоҳ сұлх тузиш бұлсін, ҳоҳ урушмак.

Шунинг учун ишбилармон ва келажакни күра билувчи (киши)нинг яхши тайёрлаши ва тарбияси натижасида, Чигатойхон фахму фарқатининг баркамоллиги, илм згаси эканлиги, үта довюраклиги ва

мардлиги билан ўз замонининг ягонаси ва турли диёр султонлари дурдонаси бўлди.

**Б айт:**

(Кимники) устози Фаридун<sup>20</sup> бўлар экан бас  
Ул серхунар (устоздан) бехунар шогирд чиқмас.

Чигатойхон салтанат тахтининг кароргохи Бешбалиг<sup>21</sup> эди;  
«балиғ» деб шаҳарни айтадилар.

**Н а з м :**

Ому соҳилидан<sup>22</sup> то Ноймон<sup>23</sup>,  
Унга берган эди Чингизхон.  
Бешбалигда эди тахтогохи,  
Хазинасию ҳам сипохи.

Яргу ва ёсоқ удумларига амал қилишни жуда қаттиқ талаб киларди, унинг ҳар бир нозик томонларига ҳаддан зиёда амал қилмоқ лозим, деб билар ва бирор бандини тушириб қолдирмас эди. То шу даражагачаки, баҳор ва ёз фаслларида бирор кимса (окар) сувга тушмасин, қулини ариқда ювмасин ва ариқдан олтин ва кумуш идишларда сув олмасин, кийим ювиб саҳроя ёймасин, деб буюрган эди. Уларнинг фикрича бу иш момақалдирок ва чақмоқнинг кўпайишига олиб келармиш. Кўпинча, уларнинг элу юртларида аввал баҳордан то ёз охиригача ёмғир ёғади, момақалдирок гулдураши то шу даржадаки, унинг овози шиддатидан бармокларини қулоқларига (тикиб), унинг гумбурлашидан ўлим (даҳшатига) тушадилар<sup>24</sup>,— ва яшин кетма-кетлиги то шу даражадаки,— у чақнаганида кўзларини кўр килгудек бўлади<sup>25</sup>.

Жазолаш ва улуглаш қонун-қоидаларига шунчалик қаттиқ амал килар эдики, сон-саноқсиз лашкарининг яқин-атрофидан (ұтадиган) ҳеч бир йуловчи учун қуриқчи ва посонга эхтиёж туғилмасди. Амир Қараочорнинг яхши (иш)лари ва тадбири натижаси үлароқ (в. 75 б), Үқтойхон билан шундай мақтov ва илтифотга сазовор тарзда бордикелди қилар эдики, ога-инишлик ва арз-дод сўраш муносабатларida маслаҳат билан ва ҳамкорликда иш тутардилар. Ака-укалар кўп вакт бирга бўлар, роҳат ва фароғатда умр кечирадар ва қувонч созининг торларини чертардилар.

**Б айт:**

Кел, давлат биз учун эшик очмиш соз,  
Хуш келмиш бу давлат, чиқайлик пешвуз.

(Эл арзу додини) ақлу идрок билан эшитардилар. Уларнинг ҳамжихатлигидан давлат ишию, мамлакат бошқаруви изга ва тартибга тушди, хонлик расмию ва жаҳондорлик қоидалари давомлилиги ва мустаҳкамлиги таъминланди.

**Б айт:**

Яхшиланди ул ғамхўрлик сабаби,  
Қонун-қоидалар, хонлик тартиби.

Чигатой хурсандчиллик ва овга жуда ишқивоз ва аксар вакт шу билан банд зди. Амир Қарачор-нүён эса салтанатнинг муҳим ишларини олиб борар ва жаҳондорлик қиласарди, раият ва лашкар учун нимаики лозим бўлса, тўла-тўкис амалга оширади.

**Байт:**

Ул тадбиркор ҳоким адолатидан,  
Раият бой зди, сипохий хурсанд...

(Бу ердаги матн Маҳмуд Таробий қўзғолони тавсифидан иборат)

(в. 77 а) Чигатойхоннинг умр муддати охирлагач ва мижози саломатлик ҳолатидан ва яшащдан юз ўғиргач, Қарачор-нүённи васий килиб, болаларини унга топширди. (Ўзи эса), умид уйи дунё орзуистакларидан тўлиб, Укто-коондан етти ой илгари, олти юз ўттиз саккизинчи йилнинг зу-л-қатъда ойида (1241 йил май — июнь ойлари), яъни ўд йили<sup>26</sup> бу фоний саройдан риҳлат этди.

**Байт:**

Ажал бирортага бокийлик бермас,  
Улим султони ҳеч аяб ўтирмас.

Унинг вафотидан сўнг, эслатиб ўтилган нўён, аҳду паймонга мувофик, мамлакат ва салтанат ишларини бошқариш ва тартибга солиш бутун ҳалқ — ҳам сипоҳу, ҳам раиятни зарур ва муҳим (нарсалар) билан етарлича таъминлашни шундай олиб борар эдикн, ундан ортигини тасаввур қилиб бўлмас.

**Байт:**

Оlamпарварликдан дод сўради жабрсуз адолати,  
Замонида ундан мамнун ҳам лашкуру, ҳам раияти.

Тинчлик ва омонлик байробини ўлкалар узра үрнатди, олам айвони ва эшикига яхшилик нақшини солди.

Қара-Хулогухон ибн Мутугзин ибн Чигатойхон. Чигатой нафотидан бир неча йил ўтгандан сўнг, Қарачор-нүён уни хон қилиб сайдади ва салтанат таҳтини унинг ўтириши биланbezadi.

**Назм:**

Хонлик таҳти янгидан бўлди баланд,  
Ўшал зукко ва қадрли шоҳ билан.  
Филга бас келувчи шердил жаҳондор,  
Кафти булутидан денгиз шармисон

Ёсун-Мункэ Чигатой ўғли. Гуюжоннинг курсатмаси билан Қара-чор-нүён Қара-Хулогухонни таҳтдан туширди ва уни (Ёсу-Мункэни) олти юз кирқ учинчи йил, яъни ит йили, шаъбон ойида (1245 йил декабрь — 1246 йил январь) таҳтга ўтказди.

**Байт:**

Токи ўгил бор экан қандай қилиб  
Набира таҳт эгаллар кулоҳ кийиб.

У вафот этгандан сўнг, номи эслатилган нўён, ўз тўғри раъйига мувофиқ, қайтадан Қара-Ҳулогуни хонлик таҳтига кўтарди.

**Байт:**

Иқболи суви баҳт ариғига яна келди окиб,  
Подшоҳлик таҳтига кутарилидни яна баҳти боқиб.

Тарихнинг олти юз эллик иккинчи (1254) йили, яъни тавушқон йили<sup>2</sup> ул ўртда Қарачор-нўён руҳи қуши (юрак) қафасини синдириди (в. 77 б) ва даҳшатга тула бу омонат (дунё)дан куч бойлади.

**Назм:**

Дариғо, ўтди ҳалқпарвар ҳукмдор,  
Ўшал мағрур нўён Қарачор.  
Яна йиллар ўтар, то ҷарҳи зафар,  
Оламга ул каби бир қуёш берар.

У саксон тўқиз йил умр курди.

Ариқ-Бука ибн Тўлихоннинг қизи Арғана-хотун эри Қара-Ҳулогу-хоннинг вафотидан сўнг, ўғли Муборакшоҳ ҳали ёш эди. Унинг ўрнида салтанатни бошқаришни ўз бўйнига олди. У бағоят викорли ва иш билармон; мусулмонларга тула ён босарди, уларга зътибор бериш ва ҳимоят кўрсатища бирор дақиқани ҳам зоеъ кетказмас эди.

**Олқұ ибн Пойдор ибн Чигатайхон.** У хуш суратли, яхши феъл-авторли, чехраси шуъласига ой ва қуёш рашқда, салтанати улуғворлиги Фаридун ва Жамшид удумидан нусха кучирган бир сарвар эди.

**Назм:**

Бахтиёр подшоҳу чехрасидур қувнок,  
Олий таҳту эрур ҳам музофар байрок.  
Бошига тожу, пойига таҳт кўрк берар,  
Қўлидан уммон, дилидан кон оҳ ураг.

Дастлабки пайтларда у билан Ариқ-Бука Тўли ўғли ўртасида тула тотувлик ва садоқат мавжуд эди. Ўша кезларда Қорақурум таҳтида Ариқ-Бука ҳукмронлик қиласарди.

**Назм:**

Буюрди токи ул Олқұ донгдор,  
Чагод наслидан отаси Пойдор.  
Катта бир сипоҳ билан шошилсин,  
Мардона Турк иклимин бошқарсан.

Олқұ Чигатой улусига келиши билан лашкар ҳар томондан ул сори юзланды ва күп үтмай, унинг қошида жуда күп қүшин түпланиб, тұла шавкат ва қудрат ҳосил бўлди. (Олқұ) Эронзаминдан Катта ўрдуга<sup>28</sup> юбориб туриладиган бойликларни<sup>29</sup> үзига олди. (Натижада) у билан Ариқ-Бўка ўртасида зиддият туғилиб, охири жанг-жадалгача бориб етди.

Дастлаб, Ариқ-Бўка унинг устига қўшин тортиб уруш қилганида Олқұ енгилган эди. Ариқ-Бўка қайтиб кетгандан сўнг, Олқұ (янгидан) сипох тўплашга кириши; амир Ийжил ибн Қарачор-нўён (ҳам) катта қўшин тўплаб унга қўшилди. Чигатой улуси йигилишиб, Ариқ-Бўка устига от сурдилар. У ҳам (ўз навбатида) бутун қўшини билан Олқўга карши жангга юзланды. Лашкар ҳар икки томондан етиб келгач (юзмажуз) саф туздилар. Шу пайт Олқұ ўз қўшини билан хужумга ўтди ва кўли баланд келди. Душманлар дош бера олмадилар ва Ариқ-Бўка ўз лашкари билан орқага чекиниб, қочмокқа юз тутди.

Ариқ-Бўкага вазир этиб тайинланган бухоролик соҳиб Ялавочнинг ўғли Масъудбек (в. 78 а) эса, Олқұ хизматига шошилди ва унинг ёғини ўпиш шарафи билан сарафrozлик топиб, илтифотга сазовор бўлди.

Олқұ голиб ва баҳтиёр ўз улусига қайтиб келди ва олти юз эллик саккизинчи (1260) йилнинг охирларида, яъни қўй йили, Олмалиғда<sup>29</sup> хонлик тахтига ўтирди. Ариқ-Бўканинг қизи Арганани ўз никоҳига киритди. У тўрт йил давомида подшоҳлик килиб давр сурди ва ундан икки ўғил — Дўбо ва Куён колди; (ўзи эса) омонат жонни арвоҳ чангалига тутқазди.

#### Б айт:

Ҳар бир юздаки жон шамъи ёнди,  
Йўқлик ели эсган чоги сўнди.

Муборакшоҳ ибн Қара-Ҳулогу — аклу идрок ёшига етганида, амир Ийжил ибн Қарачор-нўён барлоснинг ёрдами билан олти юз олтмиш иккинчи (1263—1264) йили, яъни ўд йили Олқўни ўртадан кўтариб, ўзи мустакил хон бўлди. У саховатли кам озор бир хон ва юмшоқ табиатли, сабр-матонатли бир сultonон эди.

#### Н а з м :

Бундай хонни она тұғмаган ҳали,  
Ҳалиму кам озор ва саховатли.  
Замонида фитна чикармасди дам,  
Бирор кимса кўнгли чекмасди ситам.

Унинг салтанати даврида Чигатой улуси Ийжил-нўённинг яхши иш олиб боруви ва олийжаноблиги туфайли жуда тинч ва ободон, эл эса унинг ҳимояси ва эътибори соясида тотув ва шодмон-эди.

#### Б айт:

Сипоҳлар осуда, раият юришар безарап,  
Давлати қудратли, ғалаба байроби ҳилпирап.

## Буроқхон ибн Йисун-қара ибн Комкор ибн Чигатайхон<sup>30</sup>

### Н а з м :

Имкон конидан айнан ул каби гавҳар,  
Оlam хонлари ичра ул мисол сарвар,  
Келмагай ҳар доим ушбу даврон сари,  
Адоват эшигига калит ханжари.

Олти юз олтмиш учинчи (1265) йил бошларида, яъни барс йили шаҳзодалар, амирлар ва (хонзода) хотинлар кенгаши билан хонлик унга (Буроқхонга) топширилди ва у подшоҳлик тахтига ўтириди. (Удумга мувоғик) Ийжил-нўён унга сёқ тутди, амирлар ва шаҳзодалар (унинг олдидা) тўққиз марта тиз чўқдилар. Унинг замонида амир Ийжил Озарбайжон томонга Тўқадар-ўгул кошига кетди.

Буроқхон хонлик тахтига ўрнашгандан сўнг, у билан Қайдухон ибн Фози-ўгил ибн Укто-қоон ўргасида душманлик пайдо бўлди. Кўп уруш-талашлардан сўнг, ҳар икки томон ярашишга келдилар ва (бунга) аҳду паймон туздилар, шул мазмундаким:

### Н а з м :

Қайду кўмагила Буроқ қўшини,  
Олгай Ҳурносону Ироқ мулкни.  
Эронзамин, яхши таҳтгоҳ эрур,  
Яйлоқу қишлоқ учун сазовордор...

(Бу ерда Буроқхоннинг Ҳурсонга бориб жанг қилгани ҳакида ёзилган) (в. 79 а).

Олти юз олтмиш саккизинчи (1270) йил оҳирларида, яъни қўй йили у Қайдухон кошига борди ва Қайдухон макрининг сокийси қўлидаги шарбатдан бир қултум ютиб, оламдан ўтди: подшоҳлик муддати олти йил.

### Р у б о и й

Бу тенги йўқ фалак гардишидаги жом,  
Галма-гал тутарлар ҳаммага мудом (в. 79 б).  
Келганда гал эътиroz қилиб бўлмас,  
Базм сокийси — даврга, этгач эҳтиром.

Ундан тўрт ўғил қолди: Бек-Темур, Дуво, Бурё, Хулодо.

Бекшихон ибн Широмун<sup>31</sup> — унинг шуҳрат чодири атрофидан фалак одоб билан айланарди ва салтанат кўшки савлатидан офтоб ҳурмат билан утарди.

### Н а з м :

Аҳлоқи мақтовли подшоҳ эди,  
Жаҳон ичра ягона шоҳ эди.  
Ундейни тушда кўргандир олам,  
Улугвору кўнгли кенг ва хуррам.

**Түқатемурхон — Қадомийнинг ўғли, Мутугэн ибн Чигатойхоннинг невараси. У ҳақиқатда хонлик мансабига арзигулик ва олий ҳиммати ободончилигу эл сўраш ишларига сарфланувчи подшоҳ эди.**

**Н а з м**

Буюрмоқлик тахтида топгач карор,  
Ростлик йўл-йўригин килди ихтиёр.  
Адолати бирла юрт булди кўркам,  
Душманлар умридек қисқарди ситам.

**Дуво-Чечанхон ибн Буроқхон. У баҳт-саодатли, улуг савлатли бир ҳукмрон, мамлакат узра хон ҳамда баҳтиёрлик тожига лойиқ ва сазовор эди.**

**Н а з м**

Тожу тахт ҳомийси, оламдай улуг,  
Қатъиятли ҳукмдор, зафарли, қутлуг.  
Шоҳлик айёмида яхши эл сурди,  
Адл-саҳоват ила юрт обод килди.

**Илангиз-нўён ибн амир Ийжил-Бийсун билан собиқ аҳдномани янгилади ва унга оталар удум-йўрикларини (олиб бориш) белгиланди. Ўттиз йил давомида ҳукмронликда ва баҳтиёрликда умр кечирди. Илангиз-нўён яхши тадбир билан Чигатой улусини ободонликда тутди, ҳар кимнинг у ёки бу истаги бўлса бажо келтириди.**

**Б а й т:**

Кимки ул донгдордан сўрмасин тилак,  
Бир лаҳза ичинда бажо бўлажак.

Нихоят, бир қанча замон умр кўриб, оламдан утди.

**Кўнжакхон Дувохон ўғли. Бу шаҳриёр иқбол ниҳоли мавсумида баҳт ва хуррамлик баҳорини қанот ёздириди, яқину узоқдаги барчага орзу-умид шукронасини етказиб берди.**

**Н а з м**

Хирадманд ҳукмдор қалби мусаффо,  
Кўёшдай нур сочару тахти само.  
Манглайнинг нуридан хижил офтоб,  
Кафтин ёзганда булутда колмас тоб.

**У салтанат тахтига ўрнашгандан сўнг, кўрдикни Қайдухон ибн Фози-ўгул ибн Укто-коон фарзандлари салтанат ишини олиб бориш ва мамлакатни бошқаришни эплай олмаяптилар. (Шу сабабдан), уларнинг эл ва улусига илтифот соясини солди ва ўз кўл остига олиб, Чигатой улусига киритди.**

**Б а й т:**

Ҳиммат шунқориким қанотин солди,  
Иқбол соясида баҳру бар<sup>1</sup> қолди.

**Талийқұхон Бури үғли.** У ҳукмронлик нурлари улугворлик тожидан порлаб турған подшоҳ ва давлатнинг үлка уфқидан толе кулиб қақнаган офтоби зди.

**Н а з м**

Улуглик осмони, буюк бир қүёш,  
Хукмдору, әрүр тожу тахтга бош,

Кудрат айвонидан фалак қуринар,  
Хонлик даргохида зафардир чокар.

Бир мұддат хонлик тахтида әл сұради, қудрати билан жабру ситам  
оёгини bogлади ва зарурат (учун) карам қулини ечди. Халойик жабр-  
ситам, адолатсизлик бандидан кутулиб, унинг адолати соясида паноҳ  
топарди ва оғзини дуоси учун очиб, белини хизмати сари bogлаган зди.

**Б а й т:**

Мактывига әл оғиз чөглади,  
Хизматига әл белин bogлади.

**Эсан-Буко Дувохон үғли.** Унинг адолат чодири сояси адолатсизликнинг жазирама иссигида қолғанлар учун паноҳ ва давлати  
күшкінинг останаси ҳаёт захматини тортган ситамдидалар учун  
құнимгоҳ бұлған бир подшоҳ зди.

**Н а з м**

Фалак ҳайбатидан түгри юрарди,  
Улус давлатида даврон суаради.  
Фитна қули эса калталик қилди,  
Жабру ситам номи гүй йүк бўлди.

**Кебекхон Дувохон үғли**<sup>1</sup>. У юриш-туриши мактovga арзигулик,  
тұла қашаматли бир подшоҳ зди; салтанатдорлик шұхрати, фаҳму  
фаросати ва улугворлиги әлга достон бўлди, адолати жаҳон узра  
шұхрат топди. Чингизхон замонидан бери ҳароб бўлиб, қамишзорга  
айланиб ётган Балх шаҳрини қайта тиклади... (Бу ерда Кебекхоннинг  
адолатпарварлиги ҳакида бир ҳикоя келтирилган) (в. 80 б). Ҳаёт  
мұддати тугагач, уни Қаршида<sup>2</sup> дағн әтдилар ва қабри устига бир  
гумбаз барпо қилдилар.

**Илчигдай Дувохон үғли.** У жаҳондорлик хильъати келишган  
коматига мөс, шавкатли, юрт улугларини сийловчи ва душмайларнинг  
додини берувчи бир хон зди.

**Н а з м**

Фалакдай улугвор, довруги қүёш,  
Жаҳон банда унга, замон эгмиш бої.  
Аччиғи заҳардур, меҳри-чи — даво,  
Чехраси офтобдур, кўлами — дунё.

**Дуво Темурхон ўғли Үкрохон.** У жангы жадал учун мардлик камарини бөгләди ва осмонупар қурғонларни забт этди, ҳожатмандлар-нинг мұхтожлик эшигини ёпди.

### Н а з м

Жаҳон таҳтию, тож баҳш этгувчи шоҳ,  
Юртларни забт күлгүвчи олампаноҳ.  
Йўриги ёѓусини хуршид хижил,  
Қаҳри қўрқув, лутфи умидга кучдир.

**Тармаширинхон Дувохон ўғли<sup>1</sup>.** У кадр-кимматли хон, одилу саодатли ҳакиқий султон эди; давлати чеҳрасини ислом саодати ила гулгун килди. Ўзи эса, Оллоҳ тавғик ато этиб, бул фоний саройда доимий фароғатга эга бўлди. Унинг баҳтиёр кечган замонида Чигатой улуси нури ислом ила бойиди, бу дунёдаги мўл-қўлчилик охират тұхфаси (тайёрлаш) учун имкон яратди; дини Мұхаммадийнинг<sup>2</sup> йўл-йурикларини олиб боришида, миллати Аҳмадийнинг<sup>3</sup> бирлигини мустаҳкамлашда жидду жаҳд кўрсатарди. Унинг подшоҳлиги замонида худойн таоло бандалари тўла хотиржамликда эдилар. (Бу ерда Тармаширинхоннинг Ҳиндистонга қилган юриши хикоя қилинади). (в. 81 а) Бўрон ибн Дуво-Темурхон ибн Дувохон (Тармаширинхоннинг) жияни ислом зийнатидан маҳрум эди, етти юз йигирма саккизинчи (1327—1328) йили Жетедан лашкар тортиб келди ва Кеш яқинидаги Қўзи-мундок (мавзеси) да Тармаширинхонни (жангда) шаҳодат даражасига етказди. Уни Самарқанд яқинидаги бир кишлоқ (мозорига) дағын килдилар.

**Бўрон (ибн) Улжойту Султони Мұхаммад Худобанди.** У Чигатой улуси подшоҳзодаларидан сўнг, фармондорликда эътиборли бўлмасада, ул улуснинг улуғ амирлари — Дурчи Икжилдойхон ўғли, унинг отабегиси амир Жондуни ва бошқаларни килич дамидан ўтказди.

**Жингшухон Абукануғил ўғли.** У жаҳонпарвар бир подшоҳ эди. Золимлардан маҳрумлар ва мұхтожлар ҳақини қаҳр билан олиб берарди; газаб қилган вактида сиёsat ва савлат қовоғи осилиб қонхур Баҳром жуссасига титроқ тушарди.

### Б а й т :

Уруш чоги унинг вужуди заҳар,  
Базм аро қалби ой олам ёритар.  
Тунни кундуз каби қиласи равшан  
Умидворлар учун сочиб ганж туман.

**Жингшухоннинг биродари Йисун Темурхон.** У давлат чеҳрасини кенгаш билан равшан этган ва салтанат байргини йўл-йўриги билан юксалтирган бир (подшоҳ) эди; зулм хирмонини сиёsat билан ёқиб ташлади ва мазлумлар ҳожатини адолат билан ўринлатди.

### Н а з м

Юртга сузи ила курсатди йўл,  
Подшоҳлик учун бу иш келди кўл.

Боши узра тож сарбаланд эди,  
Тахт талъатидан ранг-баранг эди.

Үктойхон наслидан бүлмеш Али Султон Йисун-Темурхон устига юриш килди, ноҳақлик ва зўравонлик билан хонлик тахтига ўтириди; хон ҳазинасини талон-торож қилди, ҳамда Туманахон мұхри босилган ва (кейинчалик), уни Чингизхон ва Қарачор-нүён янгилаб, имзо чеккан Қабулхон ва Қочули аҳдномасини йўқ қилиб юборди.

**Байт:**

Сипоҳни бошқарар экан ситамгар,  
Давлат иши бош-оёқ издан чикар.

Мұхаммад ибн Пўлодўғил ибн Кўнжакхон ибн Дувохон. У подшохлик ҳашамати билан ўз даври султонларидан ажralиб турарди. Унинг баҳтиёр замонида зулм эшиги бутунлай берк ва адолат эшиги доим очиқ эди.

**Назм**

Адолатли подшоҳ замони боқди,  
Давлат суви яна ӯзандан оқди.  
Барча кам-кустлардан нишон оз қолди (в. 81 б)  
Фитна тунини даврони тонг қилди.

Қозон-Султон ибн Йисун-Темурхон<sup>19</sup>. У етти юз уттиз учинчи (1332—33) иили Мовароуннахрда хонлик тахтига ўтириди. Ўша пайтлар Эрон тахтини Абу Сайд-баҳодирхон эгаллаб турарди ва яна уч йил Эрон тахтида подшоҳ бўлиб турди.

Абу Сайд-баҳодирхондан сўнг, Эрон тахтида хукмронлик қилган, Чингиз (хон) авлодига мансуб бошка хонлар — жумладан Арпахон, Мусохон, Мухаммадхон, Тағой-Темурхон, Сотибек Мұхаммад Худобаёнда Улжойтухон қизи, Сулаймонхон, Нуширвонхон ҳаммаси унинг (Қозон-султон) замондошлари эдилар.

Қозон-султонхон подшоҳлиги айёмида ҳумоюн ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур) овозаси

**Байт:**

Оlamга келди, деди иқбол баҳтга,  
Энг муносибу мос шул эрур тахтга.

деган байт (мазмунидан) иборат туғро билан кутли ва саодатли тарзда зийнат топди.

**Байт:**

Башарият иқбол лангарини ваъда қилингандек йўнди  
Ва юксак уфқ баландлигидан галаба юлдузи куринди,

деган мазмунни ифода этди.

Козон-султонхон ва ундан сунг Чигатой улусида (хукмрон) бүлган бошқа хонлар ахволининг шархи, санаб ўтилган тартибда, биринчи мақолани <sup>40a</sup> ёзаётгандага ўз ўрнида келажак.

Чигатойхон ва унинг болалари неваараларининг салтанати муддати то Козон-султонхон (даври) гача, бир юз түккиз йилдир.

Йигирма учинчи — Донишманджахон<sup>14</sup>, Уктой-коон наслидан. Гарчи нисбаси Чигатойхонга етмасада, бирок, ул улуснинг подшохлик (тахти) унга тегди.

#### Байт:

Фалакнинг не ажаб гардишлари бор,  
Юрт узра у бўлди олий хукмдор.

Йигирма тўртинчи — Баёнкулихон<sup>12</sup> ибн Суфдо-ӯғлон ибн Дувохон. Йигирма бешинчи — Темуршоҳон<sup>13</sup> ибн Йисун-Темурхон ибн Абукан ибн Дувохон. Йигирма олтинчи — Туғлук Темурхон<sup>14</sup> ибн Эмилхожа ибн Дувохон. Унинг ҳақида ушбу китобда яна тўхтаб ўтилади; Олмалиғда, у учун маҳсус курилган мақбарада дағн этилган. Ул диёр удумига кўра подшоҳлар кабрини олтун атайдилар.

Йигирма еттинчи — Илёсхожа<sup>15</sup> Туғлук Темурхон ўғли. Йигирма саккизинчи — Кобулшоҳ<sup>16</sup> Рўжи ибн Ийжилдой ибн Дувохон ўғли. Йигирма тўққизинчи — Одилсултон ибн Мухаммадхон ибн Пулодўғил ибн Кунжакхон ибн Дувохон. Ўттизинчи — Суорғатмишхон. Ўттиз биринчи — Султон Маҳмудхон ибн Суорғатмишхон<sup>17</sup>.

(Шундай қилиб), Чингизхон (в. 82 а) ва унинг фарзандлари ҳамда ул насл-насабга мансуб турли хонлар (ҳақида), уларнинг ишончли тарихларидан ва бошқа машҳур китобларда битилган (ёзма) маълумотлар ва хабарлар ўрганиб чиқилди ва мазмунидан хабардор бўлинди; (сўнгра) тўла куч-гайрат ва эътибор билан ул ахвол таҳқики ва тафтишига киришилди; умумий хулоса, (кўзланган мақсаддан) мустасно тариқасида ушбу «Муқаддима»да ўзига хос тартибда, равшан иборалар билан келтирилди.

Гарчанд, бу «Муқаддима»ни баён қилишдан асосий мақсад аълоҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур) насибини аникламок булса-да, бирок Чингизхон ва унинг авлодлари зикрида ҳам батафсилроқ тўхташга тўғри келди. Токи, заковат соҳиби бўлмиш билимдонлар унинг мазмунидан вокиф бўлгач, ҳазрат Соҳибқиронинг бундан кейин сўз борадиган ҳол-ахвол ва зафарларидан (тўлароқ) огоҳ бўлсинлар. Ҳамда улар аниқ билсинларки, то биз сизларни ерда халифа қилиб тайинладик, <sup>18</sup> — (ояти) девонининг муншийси баҳтиёр султонлар саодати фармонига — сен истаган кишингта мулк ато қилурсан<sup>19</sup> — (ояти) имзосини чекиб, гардунқудрат подшоҳлар саодати ҳукмномасини,— сен истаган кишингни улуғлайсан — (оятининг) оламоро тугроси билан безаган чоғдан бошлаб, салтанат ва жаҳондорлик соябони ҳеч қачон ҳазрат Соҳибқирон (бошига туширгандек) сояни бирор-бир соҳиб давлатнинг бошига ташламаган ва уникига ўхаш баҳтиёр шажарани замона кўзи тушда ҳам кўрмаган; унинг ҳукмронлик ва баҳтиёрлик муддати то дунё тургунча давом этсин ва бокий бўлсин.

Чунончи, қанча буюк тарихчилар, жумладан, «(Тарихи) ко-

милнинг муаллифи Ибн ал-Асир ва бошқа улуғлар, Одам (ато) замонидан то ҳозиргача, жаҳондорлик бобида ва ўлкаларни забт этишда ҳамда ҳукмронлик килиш ва бошқариш санъатида бирор подшоҳ Чингизхон даражасига етмаган, деб шарҳлаганлар ва муболага килганлар. Ваҳоланки, Чингизхон бутун турк қабилалари-ю, мӯғул лашкари билан босиб олган мамлакатларни, охирида (улар) туртта катта улусга булинди, шунингдек, икки юз йилдан ортиқ вакт мобайнида фарзандлари ва набиралари кўлга киритган ўлкалар ва катта шаҳарларни, ҳазрат Соҳибқирон тангри измининг кумаги ва унинг,— бизнинг қўшинимиз галаба килғувчилардир,<sup>11</sup> — деган ваъдасига кўра, бир улус сипоҳи билан ўттис олти йил муддат ичида забт этди. Унинг устига Шом, Хиндистон ва шунга ўхшиш яна бир қанча ўлкаларни ҳам фатҳ килди.

(Яна бир томони), Чингизхон қайси шаҳар ва вилоятниким босиб олган бўлса, на ул жойдан асар қолди-ю, на улусидан хабар. Ҳазрат Соҳибқироннинг баҳтиёр замонида фатҳ этилган жойлар эса, (в. 82 б) низочилар ва душманларнинг ихтиёридан бутунлай чиқди ва ул ҳазрат Соҳибқирон (Темур) даргоҳидаги вакиллар кўл остига ўтди. (У жойлар) ахволи олдингисидан ҳам анча яхшироқ ва ободроқ, ҳалки эса тинч ва хурсанд бўлди. И б о р а : (Салтанатини) у ёгидан бу ёғигача кўз илғаб етмайди.

Бу, киёслаб чиқиб, очик-оидин қайд этилган тафовутдир. Акс ҳолда, бу борада ўрнидурким, афзалроги, аниқ ва равшан,— биз мусулмонларни коғирлар билан баробар қилмадик. Сизларга нима бўлди, қандай килиб шу тарзда ҳукм чиқарасизлар?<sup>12</sup> — (оят сўзлари) етарлидир. Саодат нишонли бу шажаранинг энг яхши далили-ю ҳукмдорлигининг юксалиб бориши мазмуни (учун), — Имон келтирган ва яхши амаллар килганларни, ер юзида бузгунчилик қилганларга тенглаштирамизмі ёки тақводорларни бузуклар билан баробар қиласизми?<sup>13</sup> — (ояти сузлари) кифоядир.

Дарҳакиқат, устунлик ва истилодан мақсадлари фақатгина дунёвий ҳой-ҳавасга ва бу олам ўткинчи лаззатларига эришишдан иборат шахслар билан диндор, ишлари мақтоврга сазовор ҳамда олам нишонли байроқни ўрнатишдан мақсади ислом (дини) ни юксалтириш бўлмиш кишилар ўртасида фарқ катта. (Бундай кишилар) мусулмончиликни мустаҳкамлаш ва давлатни бошқариш ишларини мустафо шариати яна ҳам кучайсин, деб олиб борадилар. Улар подшоҳлик ҳашамини Оллоҳнинг буюргани-ю ҳамда ман этилганини (элга) билдириш учун курадилар.

Ҳозирги вактда рубъи маскуннинг<sup>14</sup> қайси бир жойидаки тинчлик-омонлик сабзаси унган экан, ёки адолат гули очилган экан уларнинг зулмни ёндирувчи киличи ёрдамида бўлгандир; ҳар гўшадаки аҳилчилик шамъи ёнган экан ёки ҳар бир уйдаки (ислом) удуми қандили нур сочган экан, уларнинг (салтанати) шуълаидандир... (бу ерда муаллиф Амир Темур хонадони учун Оллоҳдан эзгу тилак тилайди).

«Муқаддима»дан иборат ушбу қисса ва ҳикояларни исбот ва танқидий (хулоса тарикасида келтиришдан) мақсад ҳазрат Соҳибқироннинг насабини аникламоқдир.

Шу билан бирга, Қарачор-нүён ва унинг номдор ота-бувалари ҳакида то Ёфас ибн Нухгача ва ундан то Одам алайхиссаломгача бўлган хабарлару қадимий маълумотлар шарҳлаб ўтилди. Унинг азиз фарзандлари ҳакида ҳам сўзламоқ лозимдур, токи насаби силсиласи улансин ва қўзлаган мақсад тұла амалга ошсин.

Хуллас, Қарачор-нүённинг кирк хотини бўлиб, худо унга ўнта ўғил каромат килган эди. Жумладан: Юлдуз, Ясўко (в. 83 а) Лоло, Шаръя, Ийжил. Уларнинг энг тўнгич ва баркамоли Ийжил-нүён эди, у отаси урнини эгаллади.

#### Назм:

Мўғул удумига кўра ҳар доим ўғиллар,  
Ёш (катталигига) қараб таҳтга ўтирарлар.  
(Ийжил-нүён) ботир, бағри кенг, жанговор эди,  
Адоватни тұхтатувчи, ўлкаларни забт этувчи шоҳ эди.  
Ҳиммат чоги гавҳар сочувчи булут мисоли,  
Ўч олишда душман овловчи йўлбарс мисоли.

Унинг (Ийжил-нүён) бир неча фарзанди булиб, каттаси Илангиз-нүён эди, Амир Ийжил Хулогухон билан Турондан Эронга кучиб кетганида, у Чигатой улусида (отаси) ўрнида қолди.

#### Байт:

Отаси каби, кумак булиб шоҳга,  
Юртга ҳомий булди, паноҳ сипоҳга.

Ундан Буркул исмли бир ўғил қолди.

#### Назм:

Мирлигу шоҳликка майл килмади,  
Дин йўлин танлаб гўшанишин булди.  
Кеш ҳудуди эди унинг маскани,  
Барча ўлкалардан хуш топди уни.

Унинг икки ўғли бор эди: амир Тарагой ва амир Балта. Амир Тарагой ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур)нинг отасидир.

Маълумки, тонгда қуёш чикиши яқинлашган сари, унинг кутлуг нурларидан олам ёргурак ва ёрқинрок булиб боради. Амир Тарагойнинг бутун эътибори мусулмончиликни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилганлиги учун давлати ҳудуди доим уламо-ю фузало ҳожатларининг (адо этиш) кибласи ва олий мажлиси солихлару ҳамда фуқаро (аҳлининг) йигингоҳи булди. У қадрли шайх Шамсуддин куторга<sup>1</sup> сидқидилдан ихлос қыларди ва унинг муборак кабрига (зиёрат учун) тез-тез бориб турарди. (Бу шайх) хирқаси<sup>2</sup> жихатдан каромат насабли, раҳматли ҳудожүй шайх-ул-ислом шайх Шаҳобуддин Суҳравардийга<sup>3</sup>— Оллоҳ унинг азиз руҳини мукаддас этсин,— бориб етади.

## Назм:

Саховати уммону карами дунё,  
Эзгулик сохибию художуй, зебо.  
Кафти абридан тоза химмат бустони,  
Сузидан мунааввардур вужуд осмони.

Етти юз олтмиш иккинчи (1360—61) йил, яъни сичқон йили Кеш худудининг дилкаш заминида,— Эй ором топғувчи жон, сен парвардиғорингдан мамнун, парвардиғоринг сендан рози булғон ҳолда, унинг даргоҳига қайтғил<sup>58</sup> — (оят) нидосини қабул этди ва уни<sup>59</sup> отаси, туғишганлари ва бошқа қариндош-уруглари қошига қўйдилар. Етти юз етмиш бешинчи (1373—74) йили Соҳибқирон (Темур) химмат меъмори улуғ шайх Шамсуддин кулорнинг,— қабри мунааввар бўлсин,— жомеъ масжид ёнида жойлашган мазори қошида бир гумбаз-мақбара курдирди ва уни ўша ерга кўчиртириди.

## Байт:

Рухи жаннат ичра нурга чўмсин,  
Ҳақ васлига етиб масрур бўлсин.

Чунончи, юкорида ҳикоя қилинганлар асосида, равшан ва аниқ бўлдики, аъло ҳазрат Соҳибқироннинг насаби қуидагичадир: муассам султон,adolatli-ю карамли хоқон, Оллоҳнинг мамлакатлардаги сояси, сув билан лойнинг<sup>60</sup> қаҳрамони (в. 83 б), саховатли подшоҳ — (Оллоҳ) кўмаги билан қўллаб-куватланган, ҳақиқату салтанат ва дунё-ю дин кутби Абу-л-Музаффар<sup>61</sup> Темур кўрагон ибн амир Тарагой ибн амир Буркул ибн Илангиз-баҳодир ибн Ийжил-нўён ибн Корачор-нўён ибн Сугу-чечан ибн Эрдамчи барлос ибн Қочули баҳодир ибн Туманаҳон ибн Бойсунгурхон ибн Қайдухон ибн Дутуманинхон ибн Буқоқон ибн Бузунжархон ибн Алонкуво, қайсиким Қуён наслига мансуб эди. Қуённинг нисбаси эса, то пайғамбаримиз Одам(ато) гача,— унга (Оллоҳнинг) раҳмати ва саломи бўлсин,— (бориб етади ва бу ҳақда) илгари айтиб ўтилди. (Амир Темурнинг) олий насабининг аҳволи, қайсиким «Муқаддима»ни ёзишдан асл мақсад ҳам уни баён қилиш эди, ва у амалга ошиди. Энди Ҳазрат Соҳибқироннинг ўз тарихини ёзишга киришмок вақти етди.

## ИЗОХЛАР

1. Одамни саний — иккинчи Одам. яъни Одам-атодан кейинги.
2. Искандар Зулкарнайн — Александир Македонский (мили ав 356 — 323).
3. Вийни шаҳри — Месопотамиядаги кадимчи шаҳр.
4. Саломон — ҳалиғи Саломон дареси. Байнал қулиға кубилади.
5. Урги ва Ҳуртим — ҳалиғи Ҳантан ва Монголия Одатони толлари. Қарасурум-Ҳангич толлари ятагидаги кадимий шакар, урги асрларда Мұғалистонимни пойтахти.
6. ... ташриғ сиримнамауминиғи — матндан ишкечлар исломгача бўлған даврларга ондлиги зътиборидан, «мұсылмандың» сүйиди ақалхудожиниң зътиқониниң тушуниши керак, у исломда ҳам зътироф этилган; «ауфр шири» деганида эса турли маддийи зътиқодар мазирада тутилган.
7. ... ҳуларни тобеларо — ... остидагиларни, унга будаусуннислар.
8. Талас шаҳри — Талас (Қозоғистондаги дочири Жамбул) шаҳри. Урги аср араб ётма манбаларида Тароз.
9. Гур срлари — Хурсистондаги тозла шаҳрлари.
10. Имарот кими Мария — Иса пайғамбарининг спаси баби Мария
11. ... отасин комиддор булған — яъни эрзиз
12. Мария киссанси — бу цисса Куръонин қаримининг Мария сурасида бетағасиля блек кидими ин

13. Абу Муслим Марвазий — Абу Муслим Абдуррахмон ибн Асад Марвазий (727—755) Үрта Осиё ва Хуросонда умавийлар халифалиги (661—750) тулмига қарши кўтаришган қўзғолон (747—750) раҳбари, Аббасийлар халифалигига бош кўмандон ва уларнинг Хуросондаги ионби. У 755 йили иккинчи аббасий халифа ал-Мансур (754—775) буйргути билан катла этилган.
14. Раби ал-аввалиниң боши Абу Райдон Берунийнинг кабар беришича, исломнинг дастлабки йилларида раби ал-аввали оғиз Ғижжий-қомарий йил ҳисобида учинчи ойниниң боши Мұхаммад пайғамбар томонидан улуг күн деб эълон қилинган.
15. Кайвон — Сатурн (Зухал) саёраси; қадимги мунахжимлар ақидасига кўра, у энг баяндада, еттинчи осмонда қаракат ҳилади.
16. ... мамлакатларни заллайди — Чингизхон наирда тутилган.
17. ... сенинг — Коҷули назарда тутилган
18. ... жаҳоннорлик қылғай — Амир Темур наирда тутилган
19. Баҳром — Мирриҳ (Марс) саёрасининг номи, қадимги мунахжимлар уни уруш юлдузи деб билғанилар.
20. Фаридун — Абулқосим Фирдавсий «Шоҳномаси»да таъқидланишича, қадимги Эрон подшоҳларидан
21. Бешбалғиҳ — Шарқий Туркистондаги қадимий шаҳдар, ҳозирги Турғон шаҳри якнида бўлган, 8—14-асрлар ёзма манбаларда тилга олинган; 14-асрга келиб ҳаробага айланган, тугаган.
22. Ому соҳили — Амударе бўйлари.
23. Ноймон (найман) — туркий ҳалқтар таркибидаги уруғлардан бири, дастлаб Олтой ва унга жанубдан туташ срларда яшаган. Ноймонлар кейинчалик (18-асрчача) Қотогистон ва Үрта Осиёга тарқалған.
24. Қуръони карим, Бахара сураси, 19-оятдан.
25. Қуръони карим, Бакара сураси, 20-оятдан.
26. Үд йили (ут йили) — мучал ҳисобидаги иккинчи йилнинг номи; ҳозирги аталиши «сигир йили».
27. Тавушини йили — мучал ҳисобидаги тўртниччи йилнинг номи; ҳозирги аталиши «қўён йили».
28. Катта ўрду — Чингизхон империясинин пойтакти Коракурум шаҳри.
29. ... бойликларин — олик-солик.
- 30\*. Олмалин — Или водийсидаги йирик шаҳар. Ҳозирги вактда унинг ўринда шу номда кишлок бор. Ғулжа шаҳридан шимоли-гарбда.
31. Тўғриси: Буроқдан ибн Инсан-Дуво ибн Мутугэн ибн Чигатой; 1265—1271 йилларда Чигатой улуси ҳокими.
32. Бекшиҳон ибн Широмун — Укто-коон (Уғзәй-қызы) авлодидан.
33. ... баҳру бар — сув ва қуруклиқ.
34. Кебекхон (ёки Кепекхон; 1318—1325) — Буроқхонининг невараси, Чигатайкон наслидан.
35. Тармасиринчаш — вафоти 727 (1326—27) йил, байзи маълумотларда 729 (1328—29) йил, Нахшаб; «Зафарнома» да 728 йил.
36. ... Фоний саройда — бу дунёда
37. ... дини Мұхаммадий — ислом дини.
38. ... миллати Аҳмадий — мусулмонлар.
39. Қозон-султон — 747 (1346—47) йили ўлдирилган.
40. Абу Сайд-баходирхон — Эроннинг 717 (1317) — 736 (1336) йиллардаги ҳукмдори, Чингизхон наслидан.
- 40а. ... биринчи макола — «Зафарнома»нинг асосий қисми, яъни Амир Темур тарихи назарда тутилган.
41. Донишманджа — 747 (1346—47) йили ҳонлик таҳтига ўтиради, 749 (1348—49) йили ўлдирилган.
42. Баёнкулихон — Чигатой наслидан, 749 (1348—49) йили таҳтига ўтириди, 759 (1357—58) йили ўлдирилган.
43. Темуршоҳ — Чигатой наслидан, 759 (1357—58) йили ҳонлик таҳтига тайинланган.
44. Туғлук Темурхон — 748 (1347) — 764 (1362—63) йилларда Мўгулистон ҳони.
45. Илбисхона ибн Туғлук Темур — 764 (1362—63) — 765 (1363—64) йилларда Мўгулистон ҳони.
46. Кобулшоҳ — Чигатой улусининг гарбий қисмига 766 (1364—65) йили Амир Ҳусайн ва Амир Темур томонидан амъанага кура Чингизхон наслидан номига тайинланган ҳони.
47. Суюргатмешхон ва Султон Маҳмудхон — Моварооннаҳр таҳтига номигагина тайинланган Чингизхон авлодига мансуб ҳонлар.
48. Қуръони карим, Юнус сураси, 14-оятдан.
49. Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 26-оятдан.
50. Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 26-оятдан.
51. Қуръони карим, Ас-Соффот сураси, 173-оят.
52. Қуръони карим, Қадам сураси, 35—36-оятлар.
53. Қуръони карим, Сод сураси, 28-оят.
54. Руби маскуи (арабча) — «Обод чорак»; ўрта аср Шарқ география фанида Ерни тўрт қисмга бўлиб, унинг факат бир чораги (ассосан Европиё материги) обод, деб ҳисоблаганлар.
55. Шамсуддин кулоҳ — матнда шундай сизлган, лекин купрок Шамсуддин кулоҳ (вафти 1371 й.) номи билан машҳурdir; иакшбандийлик-хўжагон тарикатининг иамояндадаридан.
56. Ҳирка — суфийлик таълимотида шаҳихлик даражасининг бир шайҳдан бошқасига ўтиши.
57. Шаҳобуддин Абу Ҳафс Умар ибн Мұхаммад ал-Божирий Сурғарвадий (539/1144—632/1234) — суфийлик таълимотининг пешволаридан бири.
58. Қуръони карим, Фажр сураси, 27—28-оятлар.
59. ... уни — яъни отаси Амир Тарагой жасадини
60. ... сув билан лойининг — яъни инсониятнинг, бу ерда инсоннинг Оллоҳ томонидан лойдан ясалганлиги ҳакидаги ривоят назарда тутилган.
61. Абу-л-Музаффар (арабча) — айнан «зафарини отаси», Амир Темурнинг лакаби.

ЗДД сўм

АМИР ТЕМУР АЖДОДЛАРИНИНГ ҲУКМРОНЛИК  
ШАЖАРАСИ

Нух

Ёфас

Турк(Ёфас-ўғлон)

Алмажнахон

Дебодқўйхон

Қўкхон

Алинижахон

Мўрул

Корахон

Ўгузхон

Юлдузхон

Минглихон

Тангрихон

Элхон

Юлдуз Мингли ўғли

қизи

Жўбина

қизи

Алонкуво+нур

Бузунжар

Буқо

Дутумманин

Қайду

Бойсунғур

Туманахон

Эгизаклар

Қабул

Буртон - баҳодир

Ясуко - баҳодир

Тимучин (Чингизхон)

Жўчи

Чигатой

Уқтой (Угэдэй)

Тўли

Қочули - баҳодир

Эрдамчи - барлос

Сугу - чечан

Қаракор - нўён

Ийжил - нўён

Илангиз - баҳодир

амир Буркул

амир Тарагай

АМИР ТЕМУР